

**Таҳрир ҳайъати раиси**  
Б. Сайитқұлов – в.ф.н.

**Таҳрир ҳайъати:**

Ж.Азимов – академик  
Б.Норқобилов – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантериши давлат қўмитаси раиси  
Х. Юнусов – СамВМИ ректори  
А.Орипов – профессор  
Х.Салимов – профессор  
Б.Салимов – профессор  
А.Даминов – профессор  
Р.Давлатов – профессор  
Қ.Норбоев – профессор  
А.Қахаров – профессор  
Б.Нарзиев – в.ф.н.,  
Ш.Жабборов – в.ф.д.  
Н.Йўлдошев – в.ф.д.  
Х.Ниёзов – в.ф.д.  
Н.Дилмуров – в.ф.д.  
Х.Бозоров – в.ф.н.  
Ғ.Менглиев – в.ф.н.

**Бош мұхаррир вазифасини бажарувчи:**

Ғайрат МЕНГЛИЕВ

**Мұхаррир:**

Гулсара САЙИТҚҰЛОВА

**Дизайнер:**

Хусан САФАРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

**Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:**

Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантериши давлат қўмитаси

**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантериши давлат қўмитаси,  
«AGROZOOVETSERVIS»  
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигига 2018 йил 2 февралда 0284-ракам билан рўйхатга олинган

**Манзил:** 100070, Тошкент шаҳри,  
Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.

**Таҳририят манзили:** 100057, Тошкент шаҳри, Жомий қўчаси, 5-йй  
Тел.: (71) 248-46-62

**E-mail:** zooveterinariya@mail.ru

**Адади 4300.**

**Нашр индекси: 1162**

Босишига рухсат этилди: 08.05.2019.  
Бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Офсет усулида чоп этилди. 6,0 б.т. Буюртма № .  
Баҳоси келишилган нархда.

© Veterinariya meditsinasi, #05 (138) 2019  
“SANO-STANDART” МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
100190, Широк қўчаси, 100.

**МУНДАРИЖА****ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

Халқаро ветеринария қуни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантериши давлат қўмитаси раисининг табриги .....	3
<b>Х.Б.Юнусов</b> – Ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги кадрлар сифати таълимни ислоҳ қилишдан бошланади.....	4
<b>Н.Б.Каримова</b> – Ветеринария соҳаси анъаналарига содик қоламиз! ...	6
<b>Ш. Дурдиев</b> – Хоразм вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантериши бошкармаси.....	8

**Юқумли касалликлар**

<b>Х.С.Салимов ва бошқ.</b> – Қорамоллар лейкозини самарали профилактика қилиш йўллари .....	12
--	----

**Паразитар касалликлар**

<b>А.О.Орипов ва бошқ.</b> – Механикокимиёвий модификация қилинган антгельминт препаратининг самарадорлиги .....	15
<b>А.Даминов ва бошқ.</b> – Қорамоллар парамфистоматозининг эпизоотологияси, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари .....	17

**Юқумсиз касалликлар**

<b>С.Б.Эшбўриев ва бошқ.</b> – Сигирларда марганец ва рух етишмовчилигини олдини олишнинг самарали усуслари .....	19
<b>Бакиров Б. ва бошқ.</b> – Сигирларда кальций-фосфор алмашинуви бузилишларининг гео-экологик табиати.....	22

**Хирургия**

<b>Н.Б. Наризиев ва бошқ.</b> – Итларда учинчи қовок касалликларини консерватив ва хирургик усуслар билан даволаш .....	24
---	----

**Фармакология ва токсикология**

<b>Э.Тошмуротов ва бошқ.</b> – Техноген омиллардан кутилаётган салбий оқибатлар .....	26
<b>F.Ш.Алланазаров, Ж.А.Холиков, А.А.Холиков</b> – Фитотерапия ветеринария амалиётида .....	28
<b>О.У. Қўлдошев, М.Т.Исаев ва бошқ.</b> – Сигирларнинг репродуктив фаолиятига ва жинсий касалликларни даволашда плацентин препаратини кўллаш (давоми) .....	30

**Тажриба алмашув**

<b>Н.Ю.Салимова</b> – Саримсоқ пиёз хусусиятларини биласизми? .....	32
<b>Д.С.Вахидова</b> – Соматические клетки и их влияние на качество молока.....	34

**Мутахассис минбари**

<b>Э.Артиков</b> – Ўзбекистон наслли қуён етиштирувчилар ассоциациясига аъзо бўлинг .....	36
---	----

**Chairman of Editorial Board:**

B.Sayitqulov - doctor of veterinary

**Editorial board:**

J.Azimov - academic

X.Yunusov – Rector of SamiIVM

B.Norqobilov – State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

A.Oripov - professor

X.Salimov - professor

B.Salimov - professor

A.Daminov - professor

R.Davlatov - professor

Q.Norboev - professor

A.Kakharov - professor

B.Narziev - doctor of veterinary

Sh.Jabbarov - doctor of veterinary

N.Yuldashev - doctor of veterinary

X.Niyozov - doctor of veterinary

N.Dilmurodov - doctor of veterinary

X.Bozorov - doctor of veterinary

G.Mengliev - doctor of veterinary

**Acting Chief Editor:**

Gayrat Mengliev

**Editors:**

Gulsara SAIDKULOVA

**Designer:**

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

**Initiator and leader of the project:**

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

**Founders:**State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan,  
«AGROZOOVETSERVIS» Co., Ltd.**Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284****Address:** po/box: 5628, 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070. Editorial address: 4,

Jomi 5

Tashkent, 100057

Tel.: (71) 248-46-62

**Web-site:** [www.vetjurnal.uz](http://www.vetjurnal.uz)**E-mail:** zooveterinariya@mail.ru**Circulation:** 4300**Index:** 1162

Permitted for print: 08.05.2019. Format 60x84 1/8 Printed by Offset printing 6 press works Order #414 Free price.

© «Veterinariya meditsinasi», #05 (138) 2019

Printed by "SANO-STANDART"

Co., Ltd., Tashkent city.

100, Shiroq str.

**Contagious diseases**

- H.S. Salimov, D.Razzoqova, A.Dusanov** – Ways of effective prophylaxis of leucosis of cattle ..... 12

**Parasitology**

- A.O Oripov, S.E.Halikov, J.M.Isaev** – Effectiveness of mechanical-chemically-modified anthelmintics ..... 15

**Non-contagious diseases**

- S.B.Eshburiev, Hamrokulov, B.Baybutaev** – Effective methods to prevent of manganese and zinc deficiency in cows ..... 19

- B. Bakirov and others** – Geo-ecological nature of calcium-phosphorus metabolism in cows ..... 22

**Surgery**

- N.B. Nariziev and others** – Conservative and surgical treatment of third eyelid disease in dogs ..... 24

**Pharmacology and toxicology**

- E.Toshmuratov and others** - Expected negative consequences of technogenic factors ..... 26

- G.Sh.Allanazarov and others** – Phytotherapy in veterinary practice ..... 28

- O.U. Kuldashev and others** - Application of Placentin for the reproductive health of cows and for the treatment of sexually transmitted diseases (continued) ..... 30

**Experience Exchange**

- N.Yu.Salimova** – Do you know the characteristics of onion? ..... 32

- D.S. Vakhidova** – Somatic cells and their influence on the quality of mil ..... 34

- E.Artikov** – Join the Rabbit Breeding Association of Uzbekistan ..... 36

## ХҮРМАТЛИ ҲАМКАСБЛАР! СОҲА ФИДОЙИЛАРИ!

Барчангизни “Халқаро ветеринария куни” байрами билан самимий табриклайман. Маълумки, Жамиятда ветеринария касбининг муҳимлиги ва инсониятнинг тараққиётидаги аҳамиятини сингдириш, ветеринария ташкилотлари ва ветеринария врачларининг нуфузини кўтариш мақсадида 2000 йилда Халқаро ветеринария ассоциацияси ва Халқаро ҳайвонлар соғлигини сақлаш ташкилоти (Халқаро Эпизоотик Бюро)нинг ташаббуси билан ҳар йил апрель ойининг охирги шанба кунини “Халқаро ветеринария куни” деб белгиланиши хақида қарор қабул қилинган ва ҳар йили ушбу кун кўпгина давлатларда байрам сифатида нишонлаб келинмоқда.

Ветеринария соҳаси ҳайвонлар соғлигини сақлаш билан бирга аҳолини инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Бутунжаҳон ветеринарлари томонидан ҳайвонларни соғлигини сақлаш борасида олиб бориляётган ишларнинг пировардида инсонлар саломатлиги диққат эътиборда бўлмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳолига етказиб берилишида хўжалиқдан дастурхонгача бўлган даврда ветеринарлар асосий ўринни эгаллайди ва бу жараённи Сизларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Барчангизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартағи “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сон Фармони билан Давлат ветеринария қўмитаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта

ташкил этилди ҳамда унинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-4254-сон Қарори билан қўмитанинг барча ташкилий тузилмалари тасдиқланиб, фан билан амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида қатор институтлар қўмита таркибига ўтказилди ва чорвачилик ҳамда наслчилик ишларини янада ривожлантириш мақсадида “Ўзбекчорванасл” агентлиги ташкил этилди.

Қўмита ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органи сифатида белгиланди.

Бу албатта ветеринарларга янада улкан вазифалар ва масъулият юклайди!

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг бошқа соҳалар қатори ветеринария ва чорвачилик соҳасига катта эътибор бераётгандигидан далолатdir.

Биз доимо бу ғамхўрликни ёдда сақлаган ҳолда янада фаол, фидойи бўлишимиз, мамлакатимизда ветеринар осойишталикни таъминлаш, чорвачиликни барча тармоқларини янада ривожлантириш, ҳайвонларнинг наслини яхшилаш ва бу орқали ҳалқимиз истеъмоли учун етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш йўлида бор билим ва тажрибамизни сафарбар этишимиз зарур.

### Азиз ҳамкаслар!

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизда фаолият олиб бораётган барча ветеринарларни халқаро касб байрами билан муборакбод этаман. Эзгу ишларингизда доимо омад ёр бўлишига ҳайриҳоҳман.

**Баҳром НОРҚОБИЛОВ,**

Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни

ривожлантириши Давлат қўмитаси

РАИСИ



Х.Б.Юнусов – СамВМИ ректори  
Ш.Т. Ҳасанов – BUZNET лойиҳаси миллий кординатори,  
СамВМИ

## ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ КАДРЛАР СИФАТИ ТАЪЛИМНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистонда чорвачилик ва ветеринария соҳасини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада дунё стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг хуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамасининг ушбу соҳага қаратилган қатор қарор ва фармонларида ўз аксини топган. Жумладан, таълим тизими니 такомиллаштириш, хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш асосида юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда Европа Иттифоқининг Эрасмус плюс дастури Ўзбекистонда таълимни модернизация қилишга грантлар ажратиб келмоқда. Айнан республикамизда ветеринария ва чорвачилик таълимини ислоҳ қилишга қаратилган “BUZNET” (Ўзбекистонда ветеринария тармоғида уйғунлашган таълим)



войтиҳаси Эрасмус плюс дастури томонидан амалга оширилмоқда

“BUZNET – Ўзбекистон ветеринария тармоғида уйғунлашган таълим” лойиҳасида 4 та Европа Иттифоқи Олий таълим муассасалари, яъни Португалияning Порто, Италияning Пиза ва Падова ҳамда Эстония амалий билимлар университетлари, Ўзбекистондан эса Тошкент Давлат Аграр Универ-



ситети (ТошДАУ), ТошДАУ Андижон ва Нукус филиаллари ҳамда Самарқанд Ветеринария Медицинаси Институти қатнашмоқда. Лойиханинг асосий мақсади Ўзбекистонда ветеринария, чорвачилик, озиқ-овқат сифати хавфсизлиги йўналишларида профессор – ўқитувчилар, мутахассислар салоҳиятини ошириш орқали Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Лойиха давомида институтдан жами 5 нафар профессор-ўқитувчи 2 ойлик муддатда ҳамкор 4 та ЕИ университетларида интенсив курсларда иштирок этади, ветеринария ўқишида ва амалиётида бевосита қўллашда смартфонлар учун (BLUzVet) иловаси ишлаб чиқилади, жами 1 та клиник жарроҳлик ҳамда сут таҳлилини амалга оширувчи лаборатория жиҳозлари, компьютер ва замонавий дарслик харид қилиш режалаштирилган.

Лойиха мақсадларини амалга ошириш, унинг фаолияти давомидаги масалаларни муҳокама қилиш мақсадида март ойининг 27-30 кунлари институт ректори, лойиха кординатори ва ассистенти биргаликда Португалиянинг Порто университетида лойиха раҳбарияти йиғилишида иштирок этдик. Ушбу сафардан кўзланган асосий мақсад “BUZNET” лойиҳаси ҳамкор университетлари иштирокидаги йиғилишда лойиҳанинг асосий мақсадлари, ветеринария ва зоотехния соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик, таълим ва фаннинг энг муҳим масалалари бўйича тажриба алмашиниш, таълим сифатини ошириш, илмий ва ўқув лабораторияларини жиҳозлаш, профессор-ўқитувчиларни қисқа ва узок муддатли малакасини ошириш, икки томонлама амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари, ҳамда келгусида қилинадиган ишлар юзасидан лойиҳанинг етук профессор-ўқитувчилари билан мулоқот олиб боришга қаратилган эди.

Лойиха йиғилишининг дастлабки кунида (28.03.2019) Ўзбекистонда ветеринария тизимида амалга оширилаётган ишлар бўйича талабалар ва профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида сўровнома ўтказиш, маълумотларни таҳлил қилиш, Ўзбекистондаги ҳамкор университетлар илмий ҳодимлари, илмий тадқиқотчилар ва ўқитувчиларнинг ЕИ ҳамкор ОТМларида малакасини ошириш, лойиҳанинг молиявий маблағларини



мақсадли бошқариш, талабалар учун компьютер хоналарини ташкил қилиш, зарур лаборатория жиҳозларини ҳарид қилиш ва ҳамкор университетларга етказиб бериш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, лойиҳа якунида яъни 2020-йилда Самарқанд Ветеринария Медицинаси Институтида илмий-амалий конгресс ўтказилади ва ушбу конгресс билан боғлиқ ташкилий масалалар муҳокама қилинади.

Сафар давомида (28.03.2019) да дастлаб Порто университети вице-президенти Мария де Лурдес Корреа Фернандис билан учрашув бўлиб ўтди ва учрашув давомида икки томонлама ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини янада кўпайтириш муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишнинг иккинчи кунида лойиҳанинг смартфондаги мобил иловасини яратиш ва уни профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирокидаги кейслар асосида бойитиш, Ўзбекистонда ветеринария ва зоотехния йўналишлари ва мутахассисларни бўйича модеринизациялашган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда дунё тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда ветеринария таълим мини дунё стандартлари асосида 5 ийллик тўлақонли таълим тизимида ўтказиш бўйича фикрлар алмашинилди ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, сафар давомида Порто университети ветеринария институтининг ўқиши шароитлари билан танишилиб, тажрибалар алмашилди.

## ВЕТЕРИНАРИЯ СОҲАСИ АНЬАНАЛАРИГА СОДИҚ ҚОЛАМИЗ!

Жаҳоннинг барча мамалкатларида ветеринария хизмати чорва ҳайвонларининг соғлигини сақлашда, чорвачилик маҳсулотлари ва аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўзларининг мунносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда, шу сабабли ветеринария ташкилотлари ва ветеринария врачларининг нуфузини кўтариш максадида 2000 йилда Ҳалқаро ветеринария ассоциацияси ва Ҳалқаро ҳайвонлар соғлигини сақлаш ташкилоти (Ҳалқаро Эпизоотик Бюро)нинг ташабbusи билан ҳар йил апрель ойининг охирги шанба кунини “Ҳалқаро ветеринария куни” деб белгиланиши ҳакида қарор қабул қилинган ва ҳар йили ушбу кун кўпгина давлатларда байрам сифатида нишонлаб келинмоқда. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси ветеринария хизмати ходимларининг ҳам назаридан четда қолмаган ва ҳар йили апрель ойининг охирги шанба кунидаги ушбу тадбирни нишонланади. Анъаналарга содик қолган ҳолда Республика ҳайвонлар касалликлар ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат маркази томонидан тадбир ташкил этилди ва ушбу тадбирга ветеринария ходимларини касб байрамлари билан табриклиш учун Ўзбек Миллий академик театридан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоеванинг ташриф буюриши байрамнинг янада мазмунли ва файзли ўтишига сабаб бўлди. Тадбирда иштирок этган ҳалқимизнинг ардоқли санъаткори ветеринария хизмати ходимларининг иш фаолиятлари билан танишиб уларнинг олиб бораётган ишларини эътиборга олган ҳолда қўйидагиларни айтиб ўтди: “Жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида ветеринария соҳаси ҳам бошқа соҳалар билан басма-бас ишилашига ва инсонлар соғлигини сақлашда катта аҳамиятга эга эканлигига амин бўлдим”.

Жамиятда ветеринария касбининг муҳимлиги аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсиз-



лигини таъминлаш, микроорганизмларнинг антибиотикка ҷидамлилигига қарши қурашиш ҳамда ягона саломатлик борасидаги таълимни янада кенг тарғиб қилиш ва давом эттириш, мутахассисларни бу борадаги билим ва малакаларини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Чорва ҳайвонлари ва парранда касалликларини олдини олиш, ҳайвонларнинг ўлимини кескин камайтириш, соғлом, юқори маҳсулдор, шу тариқа одамларни сифатли наслли чорва молларини маҳсулдорлигини ошириш маҳсулотлар, саноатни эса хомашё билан таъминлаш, ташки мухитни ифлосликлардан муҳофаза қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда шу каби масъулиятли масалаларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Мустақил республикамизнинг чорвачилик соҳасини ривожлантириш, аҳолининг сифатли маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини назорат қилиш озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш, ветеринария мутахассисларининг асосий вазифаси, шу билан биргалиқда менинг ҳам олдимдаги муҳим вазифам дея ҳисоблайман. Ветеринария мутахассислари томонидан ҳайвонлар соғлигини сақлаш борасида, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг пировердида инсонлар саломатлиги, юртимиз ободлиги ва фаровонлиги ётади. Ҳозирги кунда ветеринария соҳасига жуда катта эътибор қаратилмоқда, бу эса биз ветеринария соҳаси вакилларига янада сидқидилдан шижаот билан ишлаб, юртимиз фаровонлиги йўлида тинмасдан хизмат қилишимизга унрайди. Юртимизда кезиб юрган баҳор фаслининг



серёмғир кунларида касбим-фаҳрим “Халқаро ветеринария куни” байрамини Республика ҳайвонлар касаллуклари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат марказида касаба уюшмаси томонидан ташкил қилингандык байрамни қадрдан ҳамкаслар билан биргаликта нишонлаш ҳар битта марказ ҳодимига жуда катта күтәринки рух бағышлади.

Республика ҳайвонлар касаллуклари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат маркази мутахассислари ветеринария ва чөрвачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш билан бирга ахолини инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касаллуклардан муҳофаза қилинча бор билимимиз ва тажрибамизга суюнган ҳолда бағри кенг, меҳри дарё ҳалқимиз

хизматида бўламиз. Бугунги кун анъаналари келажакда соҳа вакилларининг ўз касбини ардоқлаши ва ёш авлодни касбга садоқат руҳида тарбиялашига аминмиз. Шу муносабат билан барча ветеринар мутахассисларни “халқаро ветеринарлар куни” байрами муносабати билан барча ҳодимларимиз номидан чин қалбимиздан табриклаймиз, қуидаги сўзларни эса мен ўзимга шиор қилиб олганлигимни ва ветеринар мутахассис бўлганлигимдан фаҳрланиб баралла айтаман... **Мен ҳамиша ветеринар қасбим билан фарланаман!**

**Н.Б.Каримова,**

*Республика ҳайвонлар касаллуклар ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат маркази директорининг биринчи ўринбосари*

*Талабанинг қизиқарли ўтган ўқув-амалий машгулотидан илҳомланиб ёзилган ҳазил шеъри.*

## МИКРОСКОП НИМА ЎЗИ?

Сизга айтсам дўстларим,  
Микроскоплар фарқини.  
Ёлғон эмас сўзларим.  
Беш олмоқнинг завқини.  
Бу дунёда икки хил,  
Яралгандир микроскоп.  
Агарар университетда,  
Бунақаси жуда кўп.  
Ёруғлик ва электрон,  
Бир-бирига ўхшамас.  
Иккаласи ҳеч қачон,  
Битта жойда яшамас.  
Ҳар бири икки қисм,  
Оптик яна механик.  
Оптик қисмини эса,  
Ушлаб турадар штатив.  
Окулярга қараб биз,  
Хужайрани излаймиз.  
Бу ишда обективдан,  
Бизлар ёрдам сўраймиз.

Яна пастда ёруғлик,  
Лампаси турадар эди.  
Айтинг, бу не кўргулик,  
Менсиз иш тўхтар деди.

Яна қанча қисмлар,  
Тубусдан тагликгача.  
Кўринмас винтсиз жисмлар,  
Буюм столчасида.  
Винтларни тополмасанг,  
Ривалверда не айб.  
Микроскопни билмасанг,  
Сенга беш баҳо ҳайф.  
Устозларнинг кўнглини,  
Шеър билан олиб бўлмас.  
Буюм ойначасини,  
Тутқичсиз қўйиб бўлмас.  
Тинглаб туриб сўзимни,  
Хатойимни топинглар.  
Дуо қилиб домлани,  
Беш баҳога ёпинглар.  
Микроскопни ўргатган,  
Устозларим бор бўлсин.  
ВЕТЕРИНАРЛАР учун,  
Омад доим ёр бўлсин.  
Ҳеч қачон тенглаб бўлмас,  
Осмонни ҳам ер билан.  
Микроскопни Илҳом Фармон,  
Тушунтирас шеър билан.

**Илҳом ФАРМОН**

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ

Вилоят ветеринария бошқармаси ветеринария хизматини янада ривожлантириш, шу жумладан эпизоотик барқарорликни таъминлашда хайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олиш, ветеринария тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этиш бўйича давлат назоратини таъминлаш, ветеринария соҳасидаги хукуқбузарликларнинг олдини олиш, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ҳамда муомаласи юзасидан назоратини амалга оширадилар.

Албатта, соҳанинг изчил тараққий этиши, қолаверса, глобаллашув жараёнида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари долзарб аҳамият касб этиб борар экан, соҳага оид қонунчиликни ҳам такомиллаштириш зарурати юзага келди. Бинобарин, дунёнинг тури миңтақаларида ҳайвонлар касалликлари, инсонлар учун ҳам хавфли бўлган юқумли касалликлар сони кўпайган, уларнинг тарқалиш хавфи ортган бугунги шароитда мамлакатимиз аҳолисини бундай хавф-хатарлардан ўз вақтида химоя қилиш, уларни сифатли гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсонлар соғлигини сақлаш ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, ҳалқимиз турмуш даражасини ошириш йўлида дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун кенг имкониятлар яратилган.

Статистик маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи улушкининг 42 фоизи чорвачилик ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунга чорва молларини кўпайтириш ва маҳсулдорликни ошириш ҳисобига эришилмоқда. Мисол учун, Украина, Германия, Голландия каби мамлакатлардан олиб келинган зотдор қорамолларнинг кўпайиши ҳисобига наслли қорамоллар 20000 бошдан ошиб кетди. Вилоятимизда паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш ҳам доимий эътиборда.

Ветеринария хизмати вилоят худудини ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари кириб келишидан муҳофаза қилиш, гўшт ва сут маҳсулотларининг ветеринария хавфсизлигини таъминлаш, ҳайвонларни юқумли касалликларга қарши ўз вақтида профилактик эмлаш каби муҳим вазифаларни бажариб келмоқда. Профилактик тадбирлар гурух усулида график асосида яъни бир йилда бир маротаба баҳор ва куз ойларида ўтказилади.

Жумладан, вилоятимиз худудига четдан юқумли касалликларнинг кириб келиши, табиий ўчоқлардан келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида давлат ветеринария хизмати томонидан 2018 йилнинг ўтган даври-

да 550 000 бошдан ортиқ чорва моллари ва уй хайвонлари, 5 турдаги касалликларга ва 5 миллиондан ортиқ парранда эса, 4 турдаги касалликларга қарши профилактик эмланди.

Ҳайвонлarda паразитлик қиладиган асосан кана чакиши орқали инсонларга юқадиган Крим-Конго геморрагик иситма касаллигининг олдини олиш мақсадида 82 мингдан ортиқ ҳайвонлар сақланадиган жойларда дезинфекция ва дезинсекция тадбирлари ўтказиш, 1 200 000 бошдан ортиқ чорва молларини каналарга қарши ишловдан ўтказиш ишлари давом эттирилмоқда.

Вилоятимиз қўшни Туркманистон Республикаси билан чегарадош бўлиб, вилоятнинг Шовот ва Питнак шахар ҳудудларида 2 та Чегара ветеринария назорати пунктлари ташкил қилинган бўлиб, улар томонидан ветеринария-санитария талабларига жавоб бермаган ва тегишли ветеринария хужжатлари бўлмаган чорвачилик маҳсулотлари вилоят худудига кириб келишининг олди олинмоқда.



*Хоразм вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириши бошқармаси ишчи-ходимлари*

Натижада чет эл давлатларидан вилоятимиз худудига инсонлар ва ҳайвонлар учун умуний бўлган ўта хавфли юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалишининг олди олинниб, вилоядта барқарор эпизоотик вазият сақланмоқда.

Атроф муҳитнинг ўта хавфли юқумли касалликлар кўзғатувчилари билан заарланганлик ҳолатининг доимий кузатувини олиб бориш лаборатория таҳлиллари ўтказилади.

Олинган натижалар асосида тегишли ветеринария-санитария ва профилактик тадбирлари амалга оширилди.

Хозирэс давлатимиз ва хукуматимиз раҳбарларининг соҳага бўлган эътиборлари натижасида ҳайвонлар юқумли касалликлари тарқалишининг олдини олиш, тезкор аниқлаш, ташхис қўйиш ва эпизоотик барқарорликни таъминлаш борасидаги амалга оширилаётган ишлар самародорлигини ошириш замонавий лабораториялар ташкил этиш, уларни тез ва сифатли текширув жиҳозлари билан таъминлаш бўйича босқичма-босқич ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ветеринария хизматини сифатли ва самарали олиб бориш учун худудий ветеринария участкалари мото-

цикл, велосипед ва эмламаларни сифатли сақланиши учун термосумкалар билан таъминланган. Бугунги кунда 100 дан зиёд термосумка, 35 та велосипед ва мотоцикллар билан таъминланди. Шу билан бирга 30 та ветеринария пунктлари қайта таъмирланиб, ишга туширилди.

Бундан ташқари ахолига қулайлик яратишни яхшилаш мақсадида вилоятнинг узоқ қишлоқларига сайёр ветеринария дорихоналари ташкил этилмокда.

Ахоли орасида хайвонларнинг юқумли касалликлари, уларни олдини олишда нималарга эътибор қаратиш кераклиги бўйича ахоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмокда.

Тегишли Фавқулотда вазиятлар ва Соғлиқни саклаш вазирлиги ходимлари билан ҳамкорлик маҳсус ўкув амалий семинарлар ўтказилиб борилмоқда.

2019 йилнинг 1-чораги давомида вилоят бўйича белгиланган эпизоотик назорат рақамига асосан ҳайвонларнинг юқумли кораоқсоқ касаллигига 81503 бош ирик шохли моллардан, 5655 бош майдага шохли моллардан, 25 бош отлардан, 30 бош чўчқалардан қон намуналари олинниб, вилоят ва туманлар ташхис марказларида текширувлардан ўтказилди ва ижобий натижка қайд қилинмади.

Вилоят бўйича 1419 бош қорамоллардан лептоспироз касаллигига, 1026 бош қорамоллардан трихомоноз касаллигига, 1300 бош қорамоллардан кампилобактериоз касаллигига намуналар олиниб лаборатория текширувла-ридан ўтказилди, текширув натижаларида ижобий реакциялар аниқланмади.

Қишлоқ хүжалик ҳайвонлари ва итларни гижжа касаллигига текшириш давомида 24638 бош қорамоллардан олинган фекалий намуналари фасциолёз касаллигига текширилди, 15 та намунада ижобий натижа олинди. 4584 бош майда шохли моллардан олинган фекалий намуналари фасциолёз касаллигига текширилди, 10 та намунада ижобий натижа олинди. 132 бош чүчкалардан олинган фекалий намуналари аскаридоз касаллигига текширилди ва ижобий натижа аниқланмади. 1895 бош итлардан олинган фекал намуналари текширилиб, ижобий натижалар аниқланмади. 105 бош отлардан олинган фекал намуналари параскаридоз касаллигига текширилиб, ижобий натижа қайд қилинмади. Ҳайвонларни гижжа касаллукларига қарши курашиб қўлланмасига асосан гижжасизлантириш тадбирлари тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилди. Фасциолёз касаллигини олдини олиш мақсадида 519049 бош ЙШМ, 81963 бош МШМ лар ишловдан ўтказилди.

Вилоят ветеринария бошқармасининг ҳудудий бўлимлари томонидан белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида тўлиқ бажарилиши натижасида вилоятда барқарорлик сақланмоқда. Ҳайвонлар ва паррандалар ўргасида кейинги ийиларда ўта хавфли юқумли касалликлар аниқланмади.

«Қутуриш ва бошқа ўта ҳавфли юкумли касаллик-ларнинг келиб чиқиши сабаблари, тарқалиши ва олдини олиш» мавзусида 17211 та варага, 555 та плакат ва 3758 та буклетлар чоп килиниб, КФЙ, МФЙ, колледж, ли-

цей ва мактабларга тарқатилди. Туманлар газеталарида (“Боғот садоси”, “Гурлан ҳаёти”, “Урганч ҳақиқати”, “Хива тонги”, “Янгиариқ овози”, “Янгибозор кўзгуси”) ҳайвонларда қутуриш касаллигининг кечиши, олдини олиш ва улардан сақланиш тўғрисида мақола ва тавсиялар чоп қилинди. Дехкон ва мол бозорларида радиолар орқали касаллик тўғрисида чиқишлир ва маърузалар ўқилди. 2019 йилнинг 25 феврал куни Богот туманида вилоят ФВБ, ДСЭНМ, Ветеринария бошқармаси, ИИБ, Овчилар жамияти, шаҳар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги ит овлаш гурухи, Богот туман ҚФЙ, МФЙ раислари иштирокида қутуриш касаллиги бўйича кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Семинарда ҳар бир корхона, ташкилот хизматлари томонидан ўзларининг функционал вазифалари намойиш этилди. Жумладан: семинарда ветеринария хизмати томонидан ҳайвонларда қутуриш касаллиги белгилари, олдини олиш чоралари, касалликка гумон қилинган ҳайвондан намуна олиш ва лабораторияга жўнатиш тартиби, касаллик аниқланганда карантин тадбирларининг ўtkазилиши, мойил ҳайвонларни профилактик ва маъжбурий, гурух усулида эмлаш тартибларини, хонадонма-хонадон аҳоли уйларига кириб, шунингдек жойларда ўкувчи ва ишчилар ўртасида сухбат, тушунтириш ва тарғибот ишларни олиб борилиши намойиш қилинди. Одамларга тан жароҳати етказган 115 бош ит-мушук ўз вақтида шаҳар ва туман ветеринария бўлимлари томонидан белгиланган тартибда 10 кунлик ветеринария назоратида сақланиб, қутуриш касаллигигага қарши текширудан ўтказилди, таасуфки гумон қилинган ҳайвонлар аниқланмади ва албатта текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотлар тегищли соғлиқни сақлаш миассасаларига етказилди.

2019 йил давомида вилоят ветеринария бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари томонидан белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши натижасида ҳайвонлар ва паррандалар ўргасида ўта хавфли юкумли касалликлар қайд қилинмади.

# **Хоразм вилояти Шовот туманида жойлашган “Темирийүлөбөд” чорвачилык ва паррандачилык Комплекси**



Ташкил топган вақти – 2012 йил 29-феврал.  
Бош директор: Жуманиязов Қосимбай.  
Иш юритувчи: Шеров Ҳамро ва Рұзбайев Умrbек

Даңталаб 2012 йилда Австрия давлатидан 300 бош симментал ва щвиц зотли қорамоллар олиб келингган бўлса, 2018 йилнинг 28-декабрида Германия давлатидан 300 бош симментал зотли қорамоллар олиб келингган. Қорамоллар вилоятнинг иқлим шароитларига тўла мослашиб, туғиб кўпайиб бугунги кунда салкам 2500 бошга етди. Чорвачилик ва паррандачилик комплексида ҳозирда 350 нафар одам меҳнат қилмоқда.

Хўжаликниң экин майдони 1600 гектарни ташкил қиласди. Ушбу экин майдонларига маккажӯхори, беда, оралиқ экинлар, хашаки лавлаги, қовоқ каби озука экинлари экилган. Озука экинларини етиштириш ва йигиб олишда 2 та Палесса русумли ва 1 та Херсон русумли комбайн, КИР-1,5 ва бошқа техникарнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Бундан ташқари 2018 йилда 2-сонли Комплекс ҳам ишга туширилди.



Хўжалиқда она моллардан сут соғиб олиш ўртacha 18-20 литрни ташкил қилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда паррандачилик комплексида 35 минг бош она товуқ сақланаётган бўлиб, улардан 90-95 фоиз тухум олинмоқда.

Чорвачилик комплексида келгусида мол бошларини янада кўпайтириб, гўшт ва сутни қайта ишлаш технологияларини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

#### **Шовот тумани ветеринария бўлимида олиб борилаётган ташхис маркази иш фаолиятидан лавҳа**



Шовот тумани ветеринария бўлими белгиланган лойиҳага асосан 1991 йилда қурилиб ишга туширилган. Туман ветеринария бўлими ва туман ташхис маркази бир бинода фаолият юритаётган бўлиб, бу ерда катта

ҳажмдаги ободончилик ва қўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган. Бинога кирган киши бошқа бир оламга кириб қолгандек бўлади. Бу ердаги „Фахрийларимиз”, „Туманда ветеринария хизматига раҳбарлик қилганлар”, „Бизнинг жамоамиз” ва „Ветеринария бўлими ҳаётидан лавҳалар” деб номланган стендлардаги расмларда туман ветеринария хизматининг тарихи кўз олдингизда намоён бўлади. Зоро, бу расмларнинг бир жойга йиғилиши билан ёзувчи Нурмат Ражабов томонидан „Ветеринария хизмати фидокорлари” номли Хоразм ветеринария хизмати тарихи тўғрисидаги рисоланинг яратилишига туртти бўлди.

#### **Кўшкўнир туманинадаги „Хадра оққуш” беданачилик фермер хўжалиги**



Раҳбари: Қурбанов Рустам. 3,5 минг бош бедана сақланмоқда. Бир кунда 2 минг дона тухум ишлаб чиқарилиб, тухуми бозорда сотилмоқда. 4 та иш ўрни очилган. 16 га озука ер майдони мавжуд. Келгусида бедана бош сонини 10 минг бошга етказиш режалаштирилган.

#### **Хива тумани “Гулшан” бозори**



Дашёқ қишлоғи худудида 2017 йилда қуриб ишга туширилган.

Бозор маъмурияти раиси: Рўзметов Жамшид. Дехқон бозори худудида замонавий Ветеринария Санитария

Экспертиза лабораторияси фаолият юритмоқда. Дәхқон бозорига келтирилган маҳсулотларни талаб даржасида текширишлардан ўтказиш учун бозор маъмурияти томонидан барча қурайликлар яратиб берилган. Туман ташхис маркази директори Нигора Матрасулова бозорда сотилаётган ветеринария назорати остидаги маҳсулотларни соғтилишида ҳамиша бош-қош.

ВСЭЛ мудири Давлетов Дониёр, ветврач эксперт Рўзметов Шокир, лаборантлар Комилова Умида ва Бекчанова Ойша.

Вилоятда ветеринария соҳасининг жонкуяр ходимларининг амалга ошириб келаётган ишлари вилоят, қолаверса, республика ветеринария қўмитаси раҳбарияти томонидан доимий назоратга олинган.

Шу билан бир қаторда Хива туманинг ветеринария хизмати назорати обьектларида олиб борилаётган ишларнинг ветеринария-санитария талаблари асосида бажарилишини ва эпизоотик тадбирларни белгиланган режалар асосида олиб борилишини назорат қилиш туман ветеринария бўйими бош инспектори Абдурасул Абдуллаев томонидан доимий назоратга олинган. Барча қилинаётган чора-тадбирлар ҳакида ўз вақтида Хоразм вилояти давлат бош ветеринария инспекторига ахборот бериб боради. Бу эса туманда қолаверса, вилоятда ветеринария мутахассисларининг амалга ошираётган ишларининг доимий назоратини таъминлайди ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги бўйича талабларнинг бажарилишида ўзларининг муносаб ҳиссаларини кўшиб келишмоқда.

Қуйида хива туманида олиб борилаётган ветеринария-санитария назорати обьектлардаги ишлардан лавҳалар келтирилган.

**Хива тумани ветеринария бўйимиға  
тегиншли "Отабек Қувончи" зооветеринария  
шахобчаси**



Шахобча мудири: Мадримов Отабек, Вет фельдшер Бояғибеков Одилбек, Дашёқ вет участкаси мудири Отабеев Райимбой. Ҳудудда қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларини касалликлардан асрар, даволаш, она молларни сунъий уруғлантириш ва бошқа вазифаларни ўз вақтида бажариб келаётганидан ҳозирда ҳудуд юқумли касалликлардан ҳоли.

**Хива туманидаги "Хоразм балиқ саноат агро"  
МЧЖ да олиб борилаётган ишлар**

Хива тумани ветеринария инспектори А.Абдуллаев тадбиркор билан ҳовуз балиқчилигига амалга ошириладиган ветеринария-санитария тадбирлари тўғрисида сухбат олиб бормоқда.



Раҳбари: Майлиев Омонбой  
Иш юритувчи: Ибрагимов Равшанбек

Жамият 2017 йилда ташкил топган. 2018 йилдан балиқ консерваси ишлаб чиқара бошлади. Куввати: йилига 500 т. Маҳсулотлари – ёғли ва томатли балиқ консервалари фирма дўконларида ва бошқа дўконларда сотилмоқда. Бундан ташқари, маҳсулотлар хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2019 йилда Туркменистон Республикасига 12,5 тонна ёки 50 минг банка экспорт қилинди.



Шунингдек, ҳўжалик ўзида омихта ем ишлаб чиқаришини йўлга кўйган ва Хитой давлатидан балиқ маҳсулоти чиқиндиларидан балиқ уни чиқариш ускунаси ни ўрнатмоқда. Кўшимча 30 одам иш билан таъминланди.

**Ш. Дурдиев,**  
*Вилоят ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва  
озиқ-овқат маҳсулотлари  
ҳавфсизлиги Давлат маркази*

## КОРАМОЛЛАР ЛЕЙКОЗИНИ САМАРАЛИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Қорамолларнинг лейкози - сурункали кечувчи инфекцион касаллик бўлиб, қорамоллар лейкоз вируси (ҚЛВ) билан қўзғатилади ва илк даврда ҳеч бир клиник ва гематологик белгисиз, аммо вирусли инфекция ҳолатида, кейинроқ эса, қонда лимфоцитоз ҳамда қон элементлари ишлаб чиқарувчи аъзо ва тўқималарда (талоқ, лимфа тугунлари ва бошқа эндотелиал тўқималар) жароҳатланиши билан характерланади ва шу билан бир биридан фарқ қиласди.

Гематологик ва ўスマлар хосил этиш билан намоён бўлишда ҳайвон организмининг ирсий мояйлиги ва иммунологик етишмовчилиги катта роль ўйнайди. Шунинг учун резистентлик кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган кора-ола ва қизил зотли молларда (остфриз, голштинфриз, қизил чўл, қизил эстон, қизил литва, қўнғир латвия, қизил дания ва х.к) бошқа зотларга нисбатан кўпроқ касаллик кузатилади (Х.С. Салимов, 1988).

Қорамоллар лейкоз вируси РНК -ли ўсма чақириувчи (онкоген) вирус оиласига киради. Ушбу вирус лимфотроп, асосан лимфа ҳужайраларида яшайди ва қўпаяди. Касаллик қўзғатувчи манба бўлиб касал ва ЛВ билан заарланган қорамоллар ҳисобланади. Лейкоз вируси ёш бузоқларга сигирдан трансплацентар, оғиз сути ва сут билан, бир молдан иккинчисига эса, қон олганда, вакцинация қилинганда ёки қонли жарроҳлик ишларини амалга ошириш вақтида (бирка тақиши, ахталаш, бўғозликни ректал ёки вагинал текшириш ва бошк.) иғналар ёки бошқа ускуналар ишлатилганда асептика, антисептика қоидаларига амал қилинмаса ятронген (врач ёрдамида), табиий шароитда сўна орқали, моллар бир бирини қонли яраларини ялагандан юқади. Вирус ўтказувчи омил бўлиб қон ва лейкоз вируси билан заарланган лимфоид ҳужайраларни ўзида сақловчи сут, оғиз сути, сўлак, сийдик, оталик уруғи ва бошқалар ҳисобланади.

Лейкоз билан қорамоллар барча ёшларда касалланади, аммо ушбу касаллик 4 ва ундан катта ёш молларда кўпроқ учрайди.

Ўсма ҳужайраларининг организмда тарқалиш характеристига қараб касаллик 2 гурӯхга: *тизимли* ва *ўスマли лейкозга бўлинади*.

*Тизимли лейкоз* ҳам ўз навбатида ҳужайралар турига қараб 3 турга: *лимфоид*, *миелоид лейкозларга*


ва *гемоцитобластозга* бўлинади. Бу касалликларда барча қон ишлаб чиқарувчи тизимлар (талоқ, лимфа тугунлари, суяқ иликлари, барча эндотелиал тўқималар) жароҳатланиши билан характерланади ва шу билан бир биридан фарқ қиласди.

Ўсмали лейкоз турида бирламчи жароҳат лимфоид тўқималарда бўлиши билан характерланади ва у ҳам ўз навбатида 3 тур касалликка: *лимфосаркома*, *ретикулосаркома* ва *лимфогрануломатозга* бўлинади. Лимфосаркомада ўсма ҳужайралар лимфобластлардан, ретикуло-саркомада эса ретикуляр ҳужайралардан ташқил топади. Агар ўсма ҳужайралар бирор турга мансуб бўлмаса, у холда шаклланмаган лимфома дейилади. Қорамолларда *лимфоид лейкоз ва лимфосаркома* энг кўп учрайди, *лимфогрануломатоз* камроқ, касалликнинг бошқа шакллари жуда кам рўйхатга олинади.

Лейкоз касаллигига клиник белгилар, патологоанатомик ўзгаришлар, эпизоотологик маълумотлар асосида дастлабки ва бошқа инфекцион касалликлар сингари лабораториявий (серологик, гематологик, гистологик) усуллар ёрдамида якуний диагноз қўйилади.

Лейкоз касаллиги диагностикасининг асосини серологик усул - иммунодиффузия реакцияси (ИДР) ташқил этади. Иммунодиффузия реакциясида лейкоз вируси антигенига ижобий реакция берган қорамоллар гематологик ва клиник текширилиб, уларда лейкоз касаллиги намоён бўлганлиги аниқланади (1-расм). Иммунодиффузия реакциясида лейкоз вируси антигенига ижобий реакция берган қорамоллар гематологик текширилганда уларда «лейкоз қалити» бўйича лейкоз касалига хос гематологик ўзгаришлар кузатилса, улар лейкоз билан касалланган ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек қорамолларда лейкоз касаллиги дастлаб бирорта белгисиз кечади, унга хос клиник белгилар касалликнинг охирги босқичида намоён бўлади. Касалликнинг клиник белгилари намоён бўлишидан анча олдин қоннинг шакли элеменлари, шулар жумласидан лейкоцитлар лимфоцитлар ҳисобига аксарият ҳолатда сон ва сифат жиҳатдан меъёрдан анча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам касалликни ўрганишнинг илк даврларида (1950-1980 йй.) дунёда, шу жумла-



дан сабиқ Иттифоқда ҳам лейкозга қарши қураш йүрікномасыда уни диагностика қилишда унга хос клиник ва гематологик үзгаришларга асосланиб «лейкоз калити» бүйіча диагноз қўйиш белгиланған эди. Ушбу «лейкоз калити» да қорамолнинг ёшини инобатта олган ҳолда қондаги лейкоцитлар, шу жумладан лимфоцитларнинг абсолют сони ҳамда қондан тайёрланған суртмада ушбу қасалника физиологик месъерден фарқлы үлароқ лимфобласт, монобласт, миелобласт, пролимфоцит, промиелоцит каби қоннинг ҳали тўла шаклланмаган морфологик элементлари қўриниши диагностика учун асос этиб олинган эди. Аммо, лейкоз қасаллиги бүйіча носоғлом хўжаликларни соғломлаштириш кўп йиллик тажрибалари гематологик үзгаришларга асосланган диагностика асосида соғломлаштирилган подаларда ушбу қасаллик яна клиник ёки гематологик намоён бўлишини кўрсатди. Гематологик үзгаришларга асосланган диагностика бүйіча олиб борилган соғломлаштириш тадбирлари қасалликни жуда камайтириб минимал даражага олиб келиши, бироқ бу усул билан қасалликни фермада бутунлай ўйқотишга эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Чунки, подада қасалликнинг клиник белгилари (тери остига юзаки жойлашган лимфа тугунларни жуда каттариб кетиши ва уларни яққол кўзга ташланиши, кўздаги лимфа хўжайра ва тўқималар кўпайиши ва каттариши эвазига кўз олмасини бўртиши-чақчайма кўз) намоён бўлган қорамоллар (ички аъзоларида лимфа тугунлар, талоқ жуда катталашади, кўкрак қафасида, қорин бўшлиғида ўсмалар пайдо бўлади) ўлади ёки гематологик үзгаришлар кузатилган моллар мажбурий гўштга сўйилади. Аммо лейкоз виру-

си билан заараланған моллар ҳеч қандай белгисиз бўлгани учун подада қолади, чунки ҳайвонни вирус билан заараланганини гематологик усул билан аниқлаб бўлмайди.

Лейкоз қасаллигининг бошланиш ва ривожланған даврларида гематологик текшириш ўтказилса, қонда лейкоцитлар микдорининг лимфоид хужайралар (лимфоцитлар, пролимфоцитлар ва лимфобластлар) хисобидан кўпайиб кетиши кузатилади. Қасалликнинг гематологик босқичи бошланмасдан уларда факат лейкоз вируси билан заараланганини серологик усулда (иммунодиффузия реакцияси) аниқлаш мумкин. Шунинг учун фермада 6 ойдан катта ёшдаги қорамоллар иммунодиффузия реакцияси ёрдамида серологик текширилганда уларнинг бир қисми

серопозитив (ЛВ билан заараланған) ва иккинчи бир қисми серонегатив (соғлом) ҳайвонларга ажратилади. Серологик текшириш натижалари бўйича соғлом ферма қорамолларини лейкоз вируси билан заараланишдан ҳимоя қилиш талаб этилади. Серопозитив натижга қайд қилинган ферма қорамоллари туман ҳокими қарори билан лейкоз қасаллиги бўйича носоғлом хисобланади ва ушбу фермада лейкоз инфекциясини тугатиш, яъни фермани лейкоз инфекциясидан соғломлаштириш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади ва ушбу режа ҳоким томонидан тасдиқланади. Режада бажарилиши зарур бўлган ветеринария-санитария, ташкилий-хўжалик тадбирлари, уларни амалга оширадиган маъсул кишилар ва бажариш муддатлари акс эттиради.

Соғлом хўжалик, фермани лейкоз вирусидан ҳимоя қилиш кўйидаги чора тадбирлардан ташкил топади:

- фермани доимо озода сақлаш, унда мунтазам ветеринария-санитария тадбирларини (дезинфекция, дезинсекция) ўз муддатида ва режа асосида ўтказиш;

- қорамолларни клиник ҳолатини доимо назорат қилиш ва йилида камида 2 марта уларни диспансерлаш кўригидан ўтказиш, сўйилган ҳайвонларни патологоанатомик текшириш;

- қорамолларни вирус ва микроорганизмларга қарши резистентлигини юкори даражада бўлишини таъминлаш учун доимо уларни гигиеник қоидаларга риоя қилган ҳолда парвариш қилиш ва етарлича тўйимли озуқалар билан боқиши;

- соғлом ферма қорамолларини лейкоз вируси билан заараланишдан ҳимоя қилиш учун аввало

фермага келтирилаётган наслли тана, ғуножин ва буқачалар албатта мунтазам лейкоз вирусига серологик текшириладиган хўжалик, фермалардан ажратиб олинниши, келтирилган ҳайвонлар аввал 1 ой давомида профилактик карантинда туриши, ўша давр давомида уларнинг қон зардоблари лейкоз вируси антигени билан иммунодиффузия реакциясида текширилиши ва фақат серонегатив молларни асосий подага қўшишга рухсат бериш талаб этилади; агар келтирилган моллар орасида лейкоз вирусига ижобий натижা берган корамоллар кайд қилинса, хўжалик ветеринария врачи бу ҳақдаги маълумотни туман ветеринария бош нозирига беради. Ушбу маълумот билан қорамол сотган корхона (хўжалик) ветеринария врачи хабардор этилади. Лейкоз вирусига ижобий натижা берган қорамоллар уларни сотган корхонага (хўжалик) қайтарилади ёки ўша корхона ҳисобидан гўштга топширилади. Қолган шартли серонегатив моллар алоҳида сақланиб, ҳар 3 ойда серологик текширилади. Серологик текширишлар 2 марта кетма-кет ҳамма моллар лейкоз вирусига серонегатив натижা бермагунча давом этади. Лейкоз вирусига серологик текширилмайдиган фермалардан, шунингдек шахсий дехқон хўжаликлардан ҳам зотли моллар сотиб олишга йўл қўйилмайди;

- зотли қорамолларни сунъий урчитиш билан шуғулланувчи корхоналардаги ҳамма наслли буқалар йилда 2 марта лейкоз вирусига серологик текширилиши шарт. Лейкоз вирусига ижобий натижা берган буқаларнинг уруғларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ушбу буқалардан серопозитив натижা берган вактдан 2 ой олдин олинган уруғлар заҳираси ҳам ишлатилмасдан йўқ қилиб ташланади;

- фермага ташқаридан бегона молларни киришига йўл қўймаслик учун чорвачилик хўжаликларини, фермаларни ёпиқ корхона шаклида ташкил қилиш, уларга санитария ўтказгичи орқали киришни ташкил қилиш, ўз вактида молхоналарни гўнгдан тозалаш, уларни зарарсизлантириш, ишлатилган инвентарларни, ферма ҳудудини тоза сақлаш, ўлган жасадларни, ташланган ҳомилаларни ва ҳар хил биологик чиқиндишларни тезда йўқотиш, унда туғруқхона, бузоқлар учун профилактория, изолятор, ветеринария пункти ташкил қилиш, ферма ишчи ва хизматчиларни маҳсус кийим-кечак, оёқ кийими, индивидуал ҳимоя воситалари билан таъминлаш каби тадбирлар лейкоз вирусини ушбу ҳудудга киришига ва тарқалишига тўсқинлик қилувчи омиллардан ҳисобланади;

- қорамоллардан қон олганда ёки уларга қон, дори-дармон юборганда, шунингдек эмлашда,

буқачаларни ахталашда, жарроҳлик амалиётини ўтказишида, бузоқларга индивидуал номерлар тақишида, буқалардан уруғ олишда, сигирларни бўғозлигини ректал текширишда асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилиш лейкоз вирусини бир молдан иккинчисига ўтишини олдини олади;

- баҳор, ёз ва куз фаслларининг иссиқ кунларида фермада ҳар ҳафтада қон сўрувчи ҳашоратларга қарши 0,015%ли цимбуш эритмаси билан дезинсекция қилиб туриш вирусни бир ҳайвондан иккинчисига ўтишига тўсқинлик қиласди.

Сўнгги 5 йил давомида серологик текширишлар натижасида лейкоз вируси ташувчи қорамол рўйхатга олинмаса, бундай хўжалик, ферма ва подалар соғлом деб ҳисобланади.

#### Хуносалар:

1. Серологик диагностика (иммунодиффузия реакцияси) лейкоз касаллигининг клиник ва гематологик ривожланишидан бир мунча олдин, унинг яширин даврида, қайсиким организмда морфологик ўзгаришлар намоён бўлмасдан, фақат лейкоз вируси билан заараланганлигини аниқлаш имконини беради.

2. Серологик йўл билан диагностик ишларни амалга ошириш лейкоз касаллигини самарали олдин олишда ва унга карши курашишда энг замонавий ва иқтисодий самара берувчи усул ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бусол В.А., Ярчук Б.М., Михненко А.П. Серологический контроль эпизоотического состояния стад крупного рогатого скота по лейкозам // Тез. докл. Всесоюз. конф. «Иммунология и иммунотер. лейк. чел. и животных». –Тошкент, 1984.-С.110.

2. Салимов Х.С., Бутаев М. К., Незаметдинова К. А. Эффективность антигена вируса лейкоза крупного рогатого скота. // В мат. 2-ой Меж. н-п конф. Актуал. вопр. диагн. бол. животн. -Алматы- 2005.-С.29.

3. Салимов Х.С. Основные итоги изучения эпизоотологии и пути передачи вируса лейкоза. // В мат. 5-ой Междунар. н.к. «Распростр. и меры борьбы особо опасных бол. жив. и птиц. –Самарканд, 2016. – С. 244-248.

4. Marin C., Lopez N. Epidemiology of bovine Leukemia in Venezuela // Ann. tecn. vet., 1978.-V.9.-P. 743-746.

5. Van der Vaaten M.J., Miller J.M. Effect of colostral antibody of bovine Leukemia virus infection of neonatal calves // Amer. J. Vet. Res., 1981.-V.42. –N 9. –P.1498-1500.

УДК 619.616.095.1.084

<sup>1</sup> А.О. Орипов, в.ф.д., профессор, <sup>2</sup> С.Ё. Халиков, т.ф.д.,  
<sup>1</sup> Ж.М. Исаев, изланувчи докторант, <sup>1</sup> И.А. Улашев, докторант  
<sup>1</sup> Ветеринария илмий-тадқиқот институти  
<sup>2</sup> Россия Фанинг А.Н. Несмеянов номли элементоорганик  
 бирикмалар институти

## МЕХАНОКИМЁВИЙ МОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН АНТГЕЛЬМИНТ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

### Аннотация

Приводятся результаты определения антгельминтной эффективности албендазола, фенбендазола и фенасала, модифицированных механо-химическими методами с использованием полимеров хитозана и поливинилпиролидона (ПВП). Установлено, что механомодификация албендазола с хитозаном и ПВП, фенбендазола, модифицированного с ПВП и фенасала – с ПВП в соотношении 1:9 приводят к значительному повышению антгельминтной активности препаратов против гельминтов овец.

**Калим сўзлар:** фасциалёз, мониезиоз, нематодиоз, экстенсив, интенсив, хитозан, феносал, дегельментизация, стронгилятоз.

Маълумки, чорва моллари орасида учрайдиган айрим гельминтозлар – фасциолёз, мониезиоз, маршаллагиоз, нематодиоз, бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари, диктиоқауле́з ва бошқалар ҳайвонлар патологиясида алоҳида ўрин эгаллайди ва молларни айникса кўй-эчки, корамол ва паррандаларни оғир касаллантириб уларнинг маҳсулдорлигини кескин пасайтиради ва “чорва чиқимиға” сабаб бўлади. Бу касалликларга карши курашнинг асосий чораси дегельментизация, яъни ҳайвонларни гельминтлардан тозалашдан иборат. Дегельментизациянинг самарадорлиги эса уни сифатли амалга ошириш ва юкори антгельминт хусусиятга эга бўлган воситалардан фойдаланишга бевосита боғлиқидир.

Ушбу тамойилдан келиб чиқиб охирги йилларда антгельминт препаратлар, умуман доривор воситаларни турли хил кимёвий ва физико-механик услублар билан модификация қилиш, турли полимерлардан фойдаланиб уларнинг айрим хусусиятлари – эрувчаник, организмда сўрилиш ўрни ва тезлиги ва даволовчи таъсирини ошириш каби хусусиятларини фойдалани томонга ўзгартиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда [1, 4, 10, 11].

Мазкур мақола ҳозирги даврда ветеринария ва тиббиёт амалиётида кенг қўлланилиб келаётган антгельминт препаратлар – албендазол (АБЗ), фенбендазол (ФБЗ) ва фенасалларнинг [2, 3, 7, 8, 9] хитозан ва поливинилпиролидон (ПВП) каби полимерлар билан модификация қилинган шакллари ва уларнинг антгельминт самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларини акс эттиради.

### Тадқиқотларнинг ҳажми ва услублари

Тадқиқотларда РФдаги Россия Фанинг “Институт элементоорганических соединений им. А.Н. Несмеянова” (ИНЭОС РАН) деб номланадиган институтда яратилган 3 хил антгельминт препаратлар: албендазол

### Summary

The results of the determination of anthelmintic efficacy of albendazole, fenbendazole and fenasal modified by mechanical chemical methods using chitosan and polyvinylpyrrolidone (PVP) polymers are presented. It has been established that the mechanomodification of albendazole with chitosan and PVP, fenbendazole modified with PVP and fenasal with PVP in a ratio of 1: 9 leads to a significant increase in anthelmintic activity of preparations against sheep worms.

билин хитозан табиии полимер билан 1:9 нисбатдаги модификацияси; албендазол билан поливинилпиролидон кимёвий полимернинг 1:9 нисбатдаги модификацияси; фенбендазолнинг ПВП билан модификацияси ва фенасал билан ПВПнинг механокимёвий модификацияси (1:9 нисбатда) дастлабки синовдан ўтказилди.

Ушбу тажрибалар 63 бош турли гельминтозлар билан табиии зарарланган кўйларда олиб борилди, бунда АБЗ+хитозан препарати 31 бош кўйда, АБЗ+ПВП-18 бош кўйда, ФБЗ+ПВП-10 бош ва фенасал (никлозамед)+ПВП механокомплекси 5 ва 10 мг/кг дозаларда 4 бош кўйда синалди. Препаратлар кукун (порошок) шаклда бўлиб улар сувда суспензия ҳосил қилинишини хисобга олиб кўйларда оғиз орқали 50-100 мл сувга аралаштирилиб берилди. Кўйларга дори беришдан олдин ва 5 кун кейин улардан тезак намуналари олинниб гельминтоовоскопиянинг Фюллеборн ва кетма-кет ювиш усуллари ва гельминтоларвоскопиянинг Берман-Орлов усули билан текширилди. Бунда гельминтоовоскопик текширишда стандартлаштирилган усуллардан [5] фойдаланилди, гельминтоларвоскопик текшириш эса Берман-Орловнинг УЗВИТИДА такомиллаштирилган усули билан амалга оширилди [6].

Тажрибалар натижаларини тахлил қилиб синалган препаратларнинг антгельминт самарадорлиги аниқланди. Бунда препаратнинг экстенсиваси (ЭС) ва унинг интенсиваси (ИС) аниқланди. ЭСни аниқлашда тажрибадаги кўйларнинг дори беришдан олдин (назорат сифатида) ва дори бергандан кейин (тажриба сифатида) турли гельминтозлар билан зарарланмаганилиги яъни инвазиянинг экстенсивлиги ва ИСни аниқлашда эса бу даврларда ушбу кўйлар тезак намуналарида гельминтлар тухумларининг миқдори, яъни инвазиянинг интенсивлиги асос қилиб олинди.

**Албендазол, фенбендазол ва фенасалнинг механокимёвий модификацияларини қўй гельминтозларига қарши самараси, %**

Препаратлар ва дозалари	Маршаллагия		Нематодируз		Бошқа ошқозон-ичак стронг.		Фасциола		Мониезиоз		Барча гельминтлар	
	ЭС	ИС	ЭС	ИС	ЭС	ИС	ЭС	ИС	ЭС	ИС	ЭС	ИС
Албендазол 10%+хитозан 90%, 5 мг/кг	30,0	75,0	96,7	93,0	89,0	99,2	74,0	98,0	100	100	20,0	93,0
Албендазол 10%, ПВП 90%, 50 мг/кг	40,0	92,0	100,0	100,0	94,0	99,8	80,0	98,0	100,0	100,0	50,0	97,0
Фенбендазол 10%, ПВП 90%, 5 мг/кг	50,0	74,0	100,0	100,0	100,0	100,0	50,0	96,0	100,0	100,0	20,0	97,0
Никлозамид 10%+ПВП 90%, 5 мг/кг	0	0	0	50,0	0	93	0	70,0	100,0	100,0	0	77,0
Никлозамид 10%+ПВП 90%, 10 мг/кг	0	40	25	20	0	0	0	0	-	-	0	0

**Тадқиқотларнинг натижалари**

Тадқиқотлардан олинган натижалар (жадвал) механокимёвий усуулар билан ва полимерлардан фойдаланиб модификация қилинган антгельминт препараторларнинг антгельминт хусусиятлари ўзгаради ва уларнинг самараордорлиги сезиларли даражада ошади.

Жумладан, албендазолнинг хитозан билан 1:9 нисбатдаги механокомплекси атиги 5 мг/кг дозада қўйларнинг маршаллагияларига 30,0% экстенсва 75,0% интенссамара берди. Бу воситанинг нематодируз ва бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари (остертагия, трихостронгилюс, кооперия ва бошқ.)га қарши самараси бундан ҳам юқори бўлиб ЭС ва ИС кўрсатчилари мутаносиб тарзда нематодирузларга нисбатан 96,7 ва 93,0%, бошқа о/и стронгилятларга қарши – 80,0 ва 99,2%, фасциолаларга қарши 74,0 ва 98,0 бўлиб, бу препарат мониезиялар билан заарланган қўйларни тўлиқ (100,0%) бу цестодалардан озод қилиши аниқланди. Умуман гельминтозлар билан заарланганлик АБЗ+хитозан билан дегельминтизация қилинган қўйларда 20,0% экстенссамара кўрсатди, аммо унинг ИСлиги юқори – 93,0 фойизни ташкил қилди.

Албендазолнинг бошқа полилар – поливинилпиролидон билан 1:9 нисбатдаги модификацияси ҳам қўй гельминтозларига қарши юқори самара бериши аниқланди: бу препарат ҳам 5 мг/кг микдор(доза)да қўйларнинг маршаллагияларига қарши 40,0%, нематодирузларга – 100,0%, бошқа ошқозон-ичак стронгилятозларига қарши – 94,0, фасциолаларга қарши – 80,0% мониезияларга қарши 100% экстенссамара кўрсатди, бу гельминтларга қарши препаратнинг интенссамараси мутаносиб тарзда 92,0, 100,0 99,8, 98,0, 100 фойизни ташкил қилди. Бу препарат қўйларнинг умуман гельминтлар билан заарланганлигини 50,0 фойизи заарланиш даражаси, яъни инвазия интенсивлитини 97 фойизга камайишига олиб келади.

Фенбендазол (панакур)нинг ПВП полимери билан 1:9 нисбатдаги модификацияси қўйларга 5 мг/кг дозада берилганда юқори антгельминт самара беради. Бу препарат қўйларни нематодироз, бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари ва мониезиозни кўзгатувчи гель-

минтлардан тўлиқ озод қилди (ЭС ва ИС=100,0%), унинг ЭС маршаллагияларга ва фасциолаларга нисбатан 50,0 фойизни, ИС мутаносиб тарзда 75,0 ва 96,0 фойизни ташкил қилиши аниқланди. Бу препаратнинг қўйларнинг умуман гельминтлар билан заарланганлигини 20,0% бу кўрсатчичнинг интенсивлитини эса кескин (97,0%) камайтириши аниқланди.

Фенасал (никлозамид) – цестодаларга қарши қўлланиладиган восита бўлиб, унинг 1:9 нисбатда ПВП полимери билан модификацияси 5-10 мг/кг дозаларда қўйларнинг нематодалари (маршаллагия, нематодируз, бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари) ҳамда фасциолаларга қарши қониқарли натижа бермади: бу препарат 5 мг/кг микдорда факат фасциолаларга қарши 70,0% бошқа о/и стронгилятларига қарши 93,0% умуман гельминтларга қарши 77,0% ИС кўрсатди, аммо бу препарат мониезиялар билан заарланган бир бош қўйни тамоман бу цестодалардан озод қилди. Препарат 10 мг/кг микдорда қўлланилганда факат нематодалар – маршаллагия, нематодируз ва бошқа ошқозон-ичак стронгилятларга қарши атиги 20-40% интенссамара кўрсатди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, фенасал цестоцид препарат ва унинг дозаси нисбатан юқори – 150-200 мг/кг эканлигини эътиборга олганда, механокимёвий услублар билан модификация қилинган антгельминт воситаларнинг, жумладан фенасалнинг ҳам, антгельминт хусусиятлари ва самараордорлиги яхшиланади деган хулоса қилиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Архипов И.А. Антгельминтики: фармакология и применение. М.:РАСХН, 2009. 406 с.

2. Демидов Н.В., Потёмкина В.А. Справочник по терапии и профилактика гельминтов животных. Москва. «Колос». 1980. 49 с.

3. Джабборов Ш.А. Гельминтозларга қарши чора-тадбирларнинг самараордорлиги ва уни опириш йўллари. //Вет.ф.д диссертациясининг автореферати. Самарқанд, 2017. 52 б.

4. Душкун А.В., Метелева Е.С., Чистяченко Ю.С., Халиков С.С. Механохимическое получение и свойства твердых дисперсий, образующих водорастворимые супрамолекулярные системы.// Фундаментальные исследования. 2013. №1, часть 3. С. 741-749.

УДК: 619:636.2;576.89

## ҚОРАМОЛЛАР ПАРАМФИСТОМАТОЗИННИГ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

### Аннотация

*В данной статье приводятся результаты гельминтоовоскопического исследования парамфистоматоза крупного рогатого скота в различных возрастных группах, а также эпизоотологические данные, лечение и профилактика.*

**Калим сўзлар:** Гельминт, гельминтоз, парамфистом, инвазия, трематодоз, фасциолёз, ориентобильгарциоз.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Чорвачилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлиб, қишлоқ аҳолисини бандлиги ҳамда даромадини таъминлаш, ички истеъмол бозорини экологик тоза, сифатли чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришида муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда чорвачилик соҳасини илмий асосда ташкил этиш, ишлаб чиқаришга илғор технологиялар, замонавий фан ютуқларини кўллаш орқали уларни маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Самарқанд вилоятининг айрим туманларида турили ёшдаги корамоллар орасида ошқозон-ичак трематодозларини (парамфистоматоз) эпизоотологик ҳолатини ўрганиш, даволаш ва олдини олишида айрим антгельминтик препараторларни синааб кўриш

**Тадқиқот обьекти ва услублари.** Тадқиқотлар Самарқанд вилоятининг Пайариқ, Пастдарғом ва Каттакўрғон туманларининг сугориладиган худудларида аҳоли кўлида бокилаётган турили ёшдаги корамолларда ўтказилди. Тадқиқотлар хайвонлардан олинган тезак намуналарини гельминтоовоскопик усулда текшириш йўли билан бажарилди.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон шароитида парамфистомларнинг вакили илк бор 1926 йилда топилган ва у *Paramphistomum cervi* (Zeder, 1870) тури деб юритилган. Аммо кейинчалик Н.Эсмарк 1937 систематикаси бўйича қайта кўрилганда у *Calicophoron calicophorum* (Fischoeder, 1901) тури деб аниқланган. Ўзбекистон худудида учрайдиган парамфистомларни 3 турга мансуб *C.calicophorum* L.scotiae ва *G.crumenifer* ga мансуб турлари аниқланган. [6; 20 – 26-б.].

Республикамиз худудида трематодозлар орасида фасциолёздан ташқари, бошка трематодозлар ориентобильгарциоз ва парамфистоматозларнинг локал тарқалиш хусусиятига эга эканлиги қайд этилиб, Қорақалпогистон Республикаси худудидаги парамфистом учоклари эндилиқда нокулай экологик омиллар

А.С.Даминов, К.Ш.Ақрамов, М.А.Даминов,  
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

### Summary

This article presents the results of a helminthic ovscoptic study of paramphistomatosis of cattle in different age groups, as well as epizootological data, treatment and prevention.

таъсирида сўниб бораётганлиги қайд этилган. Лекин парамфистоматозларни тарқалиши учун кўпчилик худудларда шароит етарли эканлиги кўрсатилиб, бу касалликни локал учоклари Самарқанд вилоятининг Ўргут ва Тайлок туманларида пайдо бўлганлиги, олди олинмаса, касаллик кенг тарқалиши мумкинлиги ҳақида маълумот келтирилган. [4; 20 – б.].

Ўзбекистоннинг Орол бўйи минтақасида Қорақалпогистон Республикасида йирик шохли молларда трематодаларни ассоциатив тарзда – *Fasciola gigantica*, *Paramfistomum ichikawai*, *Calicophoron calicophorum*, *Gastrothylax crumenifer* ва *Orientobilharzia turkestanica* билан биргаликда учраши қайд этилган ва фасциолёз ҳамда ориентобильгарциознинг ўчоклари аниқланган. [4; 24 – б.].

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг сугориладиган ва тоғолди-тоғ худудларида, шимолий минтақадан ташқари, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида, жигар трематодларидан ташқари ошқозон-ичак трематодлари *Calicophoron calicophorum*, *Liorchis scotiae*, *Gastrothylax crumenifer* турларига оид парамфистомларни жуда кенг тарқалиб бораётганлигини баён килишган. Ўшбу касалликлардан шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликлари катта иқтисодий зарар кўриши қайд қилинган.

Биринчи тажриба гурухи бир ёшгача бўлган 81 бош бузоқлар гельминтоовоскопик текширишдан ўтказилганда уларнинг 33 боши парамфистоматозга чалинганилиги аниқланди. Бунда инвазия экстенсивлиги жами текширилган ҳайвонларнинг 40,7 фоизини ташкил этди.

Иккинчи тажриба гурухи 1 – 2 ёшли 113 бош корамол текширилганда, уларнинг 73 боши парамфистоматоз билан заарланган бўлиб, инвазия экстенсивлиги 64,6 фоизни ташкил килди.

Учинчи тажриба гурухда олиб борилган тадқиқотлар натижаси мос равишда 163; 123; 75,4 ни ташкил килди.

### 1-жадвал

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили: Самарқанд вилоятининг айрим туманларида турили ёшдаги қорамоллар орасида парамфистоматознинг тарқалиши динамикаси**

Ҳайвоннинг ёши	Текширилган ҳайвон сони (бош)	Касалланган ҳайвон сони (бош)	Инвазия экстенсивлиги (фоиз)
Бир ёшгача бўлган бузоқлар	81	33	40,7
1-2 ёш таналар	113	73	64,6
3 ёш ва ундан катта қорамоллар	163	123	75,4
Жами:	347	229	70,0

**Қорамоллар парамфистоматозига қарши құлланилған антгельминтик препараттарнинг самарадорлиги**

Гурұхлар	Хайвонлар сони	Құлланилған препараттар	Гижжасизлантиришдан олдин топилған тухумлар сони ўртача	Гижжасизлантиришдан 15 күндан кейин тухум топилған хайвонлар сони	Препараттарнинг самарадорлиги
I	15	Praziver 10 кг т/в 1 мл оғиз орқали	34	2	86,7
II	15	Клозантел 50 0,1 мл/кг тери остига	42	10	66,7
III	15	Ипразен 10 кг т/в 1 мл оғиз орқали	28	12	80,0
IV тажриба	5	Назорат гурӯхы	31	5	-

Жами текширилған 347 бөш түрли ёшдаги қорамолларнинг 229 бөши парамфистоматозга чалингтан бўлиб, инвазия экстенсивлиги вилоятда ўртача 70,0 фоизни ташкил этди.

Юқоридаги текширишлар олиб борилған тумандардаги тадқиқотларни таҳдил қиласидан бўлсақ, түрли ёшдаги хайвонлар орасида инвазия экстенсивлигини турлича бўлиши, бу хайвонларни сақлаш, озиқлантириш, суғориш ва бошқа омиллар билан боғлиқ деб хисоблаймиз. Тадқиқотларимиз натижалариға кўра, қорамоллар орасида парамфистоматозни инвазия экстенсивлиги хайвонни ёшига боғлиқ ҳолда пропорционал тарзда ошиб бориши кузатилди.

Бунинг асосий сабаби, ёш хайвонларни кўпроқ боғлаб уйда бокилиши, уларни дастрлабки зарарлангандан, паразитни жинсий вояга етганига қадар уни гельминтоовоскопик йўл билан аниқлашнинг имконияти мавжуд эмаслиги билан изоҳлаймиз.

Гельминтоовоскопик текшириш натижасида фақат жинсий жиҳатдан вояга етган паразитларни мавжудлиги тўғрисида хулоса қила оламиз. Бошқа ривожланиш босқичида бўлған паразитларни аниқлаш имконини бермайди. Инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги тўғрисида аниқ статистик маълумот олиш учун органларни тўлиқ гельминтологик ёриш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бизларнинг тадқиқотларимиз натижалари қорамолларда парамфистоматозни хайвонларни ёшига нисбатан ортиб бориши улар қайта – қайта супер инвазияланиши билан боғлиқ деб хисоблаймиз.

Тажрибаларимизда парамфистоматозга қарши 3 хил антгельминтик препаратдан фойдаландик.

I тажриба гурӯхига Praziver препаратини 10 кг тана вазнига 1 мл ни эрталаб хайвон оч пайтида қўлладик. Препаратнинг самарадорлиги 86,7 фоизни ташкил килди.

II тажриба гурӯхига Клозантел 50 препаратини тери остига қўлладик. Самарадорлиги 66,7 фоизни ташкил этди.

III тажриба гурӯхига Ипразен препаратини қўлладик. Самарадорлиги 80,0 фоизни ташкил килди. Адабиёт маълумотлари ва олиб борган кўп йиллик тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, парамфистоматозга қарши қўлланилаётган антгельминтик препараттарнинг самарадорлиги нисбатан паст.

Бизларнинг тажрибаларимиз натижалари ҳам буни тасдиқлади. Парамфистоматозни олдини олишга қаратилған тадбирлар, ушбу касаллик ҳакида ветеринария соҳасидаги мутахассисларни ва аҳолини кенгрек

хабардор килиш мақсадида жойларда семинар ва профилактик тадбирларни ўз вақтида режали равиша амалга ошириб бориш зарур. Мақсад келажакда кенг қамровли чуқур тадқиқотлар олиб бориб ушбу касалликка 100 фоиз самара берадиган препараттарни яратишдан иборат.

**Хуносалар**

1. Самарқанд вилоятининг текширишлар олиб борилған тумандаридаги гельминтоовоскопик текшириш натижалариға кўра түрли ёшдаги қорамолларда инвазия экстенсивлиги хайвоннинг ёшига боғлиқ ҳолда ошиб бориши кузатилди.

2. Қорамоллар орасида инвазия экстенсивлигини ортиб бориши хайвонларни сақлаш, бокиш, озиқлантириш ҳамда даволаш ва профилактика тадбирларини белгиланган муддатларда амалга оширилмаслиги билан бевосита боғлиқ.

3. Катта ёшли хайвонларда инвазия экстенсивлигининг юкори бўлиши, қорамолларни касалликларга носоғлом ҳудудларда қайта реинвазияланиши билан боғлиқ.

4. Қорамоллар парамфистоматозига қарши қўлланилған антгельминтик препараттарнинг самарадорлиги 66,7 фоиздан – 86,7 фоизгачани ташкил этди

**Фойдаланилған адабиётлар рўйхати:**

1. Аvezimbetov Sh.D. Қорақалпоғистон Республикасида қорамоллар ва кўйлар трематодозларининг биоэкологик ва эпизоотологик хусусиятлари. Вет. фан. номзоди. илмий дараж. олиш учун ёзилган дисс. Самарқанд-2007

2. Damirov A. Paramfistomatiqdоз – хавфли trematodoz kasallik // Зооветеринария журнали Тошкент, 2009. №6 Б.17

3. Kajipanov M.T. Қорақалпоғистон Республикаси қорамолчиллик хўжаликларида гельминтозларнинг тарқалиши. “Хайвонларнинг ўта хавфли касалликларини тарқалиши ва бартаараф килишининг мониторинги” мавзусидаги халқаро конференция тўплами. Самарқанд. 2004. С. 105-108

4. Nasimov X.N. Lichiniki trematodot presnovodnykh mollopok Samarkandskoy i Buxarskoy oblastey respublikasi Uzbekistan. Avtoref. kand. diss. Samarkand. 1967. C. 20-26

5. Salimov B.C. Trematodozlarning эпизоотологик холати. //Zooveternariya журнали. №1. Тошкент, 2008. -B.20.

6. Salimov B.C., Xoшимов B. Zaraftoshvoxasida қорамоллар trematodozlari ўчоқларининг кучайиши “Хайвонлар экологијаси ва морфологияси” илмий мақолалар тўплами. Самарқанд. 2006. Б. 105-108

7. Shemjakova S.A. Сезонная динамика парамфистоматозов крупного рогатого скота в Московской и Рязанской областях. // Ветеринария. -Москва, -2011. -№5. -С. 38-39.

УДК: 619:636.2:616.

Н.Ш.Хамроқулов, магистр, Б.Бойбутаев, талаба,

С.Б.Эшбуриев, илмий раҳбар в.ф.д.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

## СИГИРЛАРДА МАРГАНЕЦ ВА РУХ ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ ОЛДИННИ ОЛИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

### Аннотация

Для профилактики недостаточности марганца и цинка у коров добавление в рацион обогащенного гранулированного комбикорма и внутримышечная инъекция препарата МУЛЬТИВИТ + МИНЕРАЛ 10 мл 1 раз в 10 дней даёт высокий экономический эффект и приводит к улучшению у них клинико-гематологических показателей и повышению продукции молока на 15-16 %.

**Калит сўзлар.** Моддалар алмашинуви, витаминалар, минерал моддалар, мис, кобальт, рух, марганец, остеодистрофия, эндемик бўёқоқ, анемия, ацидоз.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини, айникса чорвачиликни жадал ривожлантириш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ветеринария хизматларини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Республикамизга охирги 10-12 йил давомида чорвачилиги ривожланган хорижий давлатлардан кўплаб наслдор тана ва ғуножинлар олиб келинди. Натижада республикамида қорамоллар зоти яхшиланди, қорамолчилик билан шуғулланадиган кўплаб масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) ва наслчилик билан шуғулланадиган репродуктив хўжаликлар ташкил этилди.

Маҳсулдор сигирларда турли юқумсиз характерли касалликлар, жумладан А, Д ва Е гиповитаминозлари, кальций, фосфор, темир, мис, кобальт, марганец, рух ва йод каби минерал моддалар алмашинуви бузилиши касалликлари учраб, маҳсулдорликнинг кескин камайиши, озиқалар сарфининг ва ветеринария харажатларининг ортиши, улардан туғилган бузоқларнинг касалликларга берилувчан бўлиши ва ўлими ҳисобига қорамолчилик хўжаликлари катта иқтисодий зарар кўрмокда [1,2].

Сигирларнинг витамин ва минераллар алмашинуви бузилишлари оқибатида остеодистрофия, эндемик бўёқоқ, гипокобальтоз, гипокупропоз, туёқ касалликлари, алиментар беспуштлик, йўлдошнинг ушланиб қолиши, мастит, эндометрит каби патологиялар учрайди [1,3].

Сигирларда витамин ва минерал модда алмашинуви бузилишларининг тарқалиши, иқтисодий зара-


### Annotation

For the prevention of manganese and zinc deficiency in cows, the addition of enriched granulated feed to the ration and intramuscular injection of MULTIVIT + MINERAL 10 ml 1 time in 10 days gives a high economic effect and leads to an improvement in their clinical and hematological indicators and an increase in milk production by 15-16 %.

ри, сабаблари, симптом ва синдромларини ўрганиш, диагностика қилиш ҳамда олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ветеринария амалиётидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади [2,4].

**Материаллар ва методлар.** Маҳсулдор сигирларда марганец ва рух микроэлементлари алмашинуви бузилиши касалликларининг патогенези ва қондаги ўзгаришларни ўрганиш мақсадида Самарқанд вилоят, Тайлоқ туман, Сиёб “Шавкат Орзу” қорамолчилик фермер хўжалигида илмийтадқиотлар олиб борилди. Тажрибалар учун қорамолчилик фермер хўжаликлиридаги голштин-фриз зотига мансуб, 5-6 ёшли сигирлардан “ўхшаш жуфтликлар” тамойили асосида 5 бошдан иккита гурух ажратилди. Тажриба ва назорат гурухларида ҳар 20 кунда бир марта клиник ва гематологик текширишлар ўтказилди. Биринчи тажриба гурухидаги сигирларнинг рационига қўшимча 3 кг дан гранулати бойитилган омикта ем қўшиб берилди. Иккинчи тажриба гурухидаги сигирларга 10 кунда бир маротаба “МУЛЬТИВИТ+МИНЕРАЛ” препаратидан ҳар 100 кг тана вазнига 5 мл дан мускул орасига юборилди. Назоратдаги сигирлар хўжаликдаги рацион асосида озиқлантирилди. Тажрибалар 60 кун давомида ўтказилди.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Тажрибаларнинг бошида тажриба ва назорат гурухларида сигирларда клиник-физиологик кўрсаткичлар умумий ҳолсизланиш, иштаҳанинг ўзгариши (лизуха), шиллик пардаларнинг оқариши (анемия), тагнанинг айрим жойларида жунларнинг тўкилиши (алопеция), деярли барча сигирларда охирги дум умуртқаларининг турли даражада сўрилиши, ке-



1-расм. Тажрибадаги сигирлар қонидаги рух күрсаткичи

сувчи тишларнинг қимирлаши, тери қопламаси ва туёқлар ялтироқлигининг пасайиши каби витамин-минерал моддалар алмашинуви бузилишларига хос клиник белгилар кузатилган бўлса, тажрибаларнинг охирига келиб биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳига нисбатан назорат гуруҳидаги сигирларда клиник-физиологик кўрсаткичларнинг салбий томонга ўзгариши кузатилди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда тажрибаларнинг бошида тана ҳарорати ўртacha  $38,8 \pm 0,04^{\circ}\text{C}$ , пульс (1 дақиқада)  $76,4 \pm 3,6$  марта, нафас сони (1 дақиқада)  $26,8 \pm 0,5$  марта ( $P < 0,01$ ), катта қорин девори ҳаракати (2 дақиқада)  $3,2 \pm 0,16$  марта ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар тажрибаларнинг охирига келиб, шунга мос равишда  $39,1 \pm 0,04$ ;  $74,0 \pm 4,1$ ;  $25,4 \pm 0,5$ ;  $3,8 \pm 0,18$  мартаға teng бўлди.


Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларда тажрибаларнинг бошида тана ҳарорати ўртacha  $39,0 \pm 0,06^{\circ}\text{C}$ , пульс  $76,6 \pm 3,4$  марта, нафас сони  $27,1 \pm 0,4$  марта ва катта қорин девори ҳаракатининг 2 дақиқадаги сони  $3,1 \pm 0,14$  мартаға teng бўлди, тажрибаларнинг охирига келиб бу кўрсаткичлар шунга мос равишда ўртacha  $39,1 \pm 0,05$ ;  $73,2 \pm 4,2$ ;  $23,5 \pm 0,6$ ;  $4,0 \pm 0,16$  мартаға teng бўлди.

Назорат гуруҳидаги сигирларда тажрибалар давомида тана ҳарорати физиологик меъёрлар чегарасида бўлсада, 1 дақиқадаги пульс сони ўртacha  $76,9 \pm 3,2$  мартадан  $82,6 \pm 4,1$  мартағача, нафас сони  $27,2 \pm 0,5$  дан  $32,8 \pm 0,4$  мартағача ошганлиги ҳамда

катта қорин девори ҳаракатининг 2 минутдаги сони  $3,2 \pm 0,14$  дан  $3,0 \pm 0,22$  мартағача камайганлиги қайд этилди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда қондаги гемоглобин миқдори тажрибаларнинг бошида ўртacha  $89,8 \pm 2,3$  г/л ни, глюкоза  $2,13 \pm 0,04$  ммоль/л ни, умумий оқсил  $72,2 \pm 1,9$  г/л ни, каротин  $0,318 \pm 0,22$  мг% ни, ишқорий захира  $42,2 \pm 2,1$  ҳажм% $\text{CO}_2$  ни ташкил этиб, тажрибаларнинг охирида бу кўрсаткичлар шунга мос равища ўртacha  $99,2 \pm 3,6$  г/л,  $2,32 \pm 0,10$  ммоль/л,  $74,3 \pm 3,8$  г/л,  $0,416 \pm 0,08$  мг%;  $46,8 \pm 2,8$  ҳажм% $\text{CO}_2$  кўпайганлиги қайд қилинди ( $P < 0,001$ ). Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирларда тажрибалар охирига келиб, тажрибаларнинг бошидаги кўрсаткичларга нисбатан гемоглобин миқдори ўртacha 14 г/л га, глюкозани 0,26 ммоль/л га, умумий оқсилни 5,5 г/л га, каротинни 0,106 мг% га, ишқорий захирани 7,8 ҳажм% $\text{CO}_2$  га ошганлиги аниқланди. Назорат гуруҳида эса тажрибалар охирига келиб, тажрибаларнинг бошидаги кўрсаткичларга нисбатан гемоглобин миқдорини ўртacha 6 г/л га, глюкозани -0,06 ммоль/л га, каротинни 0,064 мг% га, ишқорий захирани 3,0 ҳажм% $\text{CO}_2$  га камайганлиги аниқланди. Кон зардобидаги умумий оқсилни 7,2 г/л га ошганлиги кузатилди.

Кон зардобидаги умумий кальций миқдори биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда тажрибаларнинг охирига келиб ўртacha  $2,68 \pm 0,20$  ммоль/л га, иккинчи тажриба гуруҳида  $2,86 \pm 0,20$  ммоль/л га кўпайган бўлса, анорганик фосфор шунга мос



2-расм. Тажрибадаги сигирлар қонидаги марганец күрсаткичи

холда  $1,58 \pm 0,20$  ва  $1,64 \pm 0,21$  ммоль/л га, марганецни  $2,76 \pm 0,06$  ва  $2,89 \pm 0,08$  мкмоль/л га ва рухни  $46,3 \pm 1,22$  ва  $50,4 \pm 1,28$  мкмоль/л га ( $P < 0,05$ ) күпайғанлиги аниқланды.

Назорат гуруҳидаги сигирларда умумий кальций микдори тажрибаларнинг охирига келиб ўртача  $2,16 \pm 0,17$  ммоль/л га, анерганик фосфорни шунга мос ҳолда  $1,18 \pm 0,20$  ммоль/л га, марганецни  $2,20 \pm 0,08$  мкмоль/л ва рухни  $28,9 \pm 1,30$  мкмоль/л га камайғанлиги аниқланды.

Тажрибаларнинг охирига келиб, дастлабки күрсаткичларга нисбатан биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда катта қорин суюқлигига pH ни ўртача  $6,94 \pm 0,08$ , иккинчи тажриба гуруҳида  $6,98 \pm 0,08$  га қўпайиши, назорат гуруҳида эса  $6,28 \pm 0,07$  га ( $P < 0,01$ ) камайиши кузатилди. Тажрибаларнинг бошланишида катта қорин суюқлиги таркибидаги инфузориялар сони биринчи тажриба гуруҳида  $686,4 \pm 16,2$  минг/мл ни, иккинчи гуруҳда  $684,2 \pm 14,4$  минг/мл ва назорат гуруҳида  $690,1 \pm 17,2$  минг/мл ни ташкил этган бўлса, тажрибаларнинг охирига келиб, биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда  $694,5 \pm 16,2$  минг/мл га, иккинчи гуруҳда  $744,2 \pm 14,6$  минг/мл га қўпайиши, назорат гуруҳидаги сигирларда эса  $482,2 \pm 15,7$  минг/мл гача камайиши характерли бўлди. Тажрибаларнинг охирига келиб инфузориялар характеристининг тажриба гуруҳларида фаоллашганлиги назорат гуруҳида эса сусайғанлиги намоён бўлди. Тажрибалар давомида биринчи тажриба гуруҳига нисбатан ҳам иккинчи гуруҳда

күрсаткичларнинг яхшироқ намоён бўлиши, сут маҳсулдорлигининг назорат гуруҳига нисбатан 15-16% юқори бўлиши кузатилди.

**Хуноса:** сигирларда марганец ва рух стишмовчилигини олдини олиш учун хўжалик рационига қўшимча бойитилган гранулали омухта емлардан кунига 3 кг дан бериш ҳамда 10 кунда бир маротаба “МУЛЬТИВИТ+МИНЕРАЛ” препаратидан 100 кг/5 мл мускул орасига юбориш, уларда модда алмашинувини, қоннинг кўрсаткичлари ва сут маҳсулдорлигининг яхшиланишини таъминлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

- Кабиров Г.Ф. Разработка средств профилактики и лечения гипомикроэлементозов овец и свиней: Автореферат дисс. . докт. вет. наук. Казань, 2000.
- Ковалёнок Ю.К. Микроэлементозы крупного рогатого скота на откорме в условиях Республики Беларусь. Автореф. дисс. . канд. вет. наук. 2001.
- Концевенко В.В. Изучение проявления остеодистрофий у коров в зависимости от уровня продуктивности /В.В. Концевенко, И.С. Костылева, А.Г. Гашенко // Материалы XII Международной научно-производственной конференции. Белгород, 2008.
- Корочкина Е.А. Витаминно-минеральные препараты при нарушении обмена веществ высокопродуктивных коров. Санктпетербург. Журнал Ветеринария. №7, 2012.

## СИГИРЛАРДА КАЛЬЦИЙ-ФОСФОР АЛМАШИНУВИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ГЕО-ЭКОЛОГИК ТАБИАТИ

### Аннотация

В статье приведены достижения мировой ветеринарной науки по этиопатогенезу, диагностике, терапии и профилактике остеодистрофии возникающей на фоне повышения засолённости почвы а также анализ проведенных исследований авторами работы.

**Калиш сўзлар:** маҳсулдор қорамол, геоэкологик ҳудуд, остеодистрофия, кальциотонин, паратгормон, кальцитрол, монокальцийфосфат, кальций  $D_3$ , сунъий ошқозон шираси, соглом ҳайвон ошқозон суюқлиги, спиртли-ачитқили аралашма.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Республикализ аҳолисини арzon ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган аграр ислоҳотларни амалга оширишда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 28 мартағи 5696-сонли Фармони ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда чорва молларининг метаболизм касалликлари, шу жумладан остеодистрофия касаллиги катта тўсиклардан бири хисобланади.

Б.Бакиров ва унинг илмий мактаби намоёндалари томонидан (1988, 2012, 2016 й) аникланишича, республикамизда тупроқ шўрланишининг йилмайил кучайиб бориши маҳсулдор ҳайвонларда метаболизм касалликларининг кечиш табиатининг ҳам ўзига хос ўзгаришларига ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, республикамизда тупроғи шўрланмаган (адекват), тупроғи 10 -20% шўрланган (экстремал) ва тупроғи 20% ва ундан юқори даражада шўрланган (кескин экстремал) геоэкологик ҳудудлар мавжуд бўлиб, ушбу шўрланиш таъсирида озиқа таркибидаги кальций-фосфор тузларининг организмга сўрилиши қийинлашади ва натижада ўзига хос метаболизм бузилишлари ривожланади ва бундай бузилишлар таъсирида энг биринчи навбатда жигарда дистрофик ўзгаришлар рўй беради, кейинчалик эса жараён эндокрин тизим бузилишларига сабаб бўлади. Шу боисдан ҳам маҳсулдор қорамолларда минерал моддалар, шу жумладан кальций-фосфор алмашинуви бузилишларини ўз вактида аниқлаш, самарали даволаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш нафақат алиментар-гепатоген, балки геоэкологик

### Summary

The article presents the achievements of the world veterinary science on the etiopathogenesis, diagnosis, therapy and prevention of osteodystrophy arising on the background of increasing soil salinity and the analysis of the research conducted by the authors.

ва эндокрин нуктаи-назардан ёндашишни тақоза этади.

**Тадқиқот обекти ва услублари.** Бухоро вилоятининг Когон туманидаги “Зоир-Аббос-Азизбек” фермер хўжалиги шароитларида парваришланадиган сигирларнинг клиник статуси сигирлар орасида ориқ ва ўсишдан қолган, жун қопламаси дағаллашган ва хиралашган, “ёл” ва “кокил” лар пайдо бўлган, териси қуруқ ва бурмали бўлган, алопецияли, кесувчи тишлари кимирлаган, охирги дум умуртқалари сўрилган сигирларнинг кўпчиликни ташкил этиши, 20-40 % ҳайвонда палпацияда қалқонсимон без ҳажмининг ҳар хил даражада ўзгаришлари, шиллиқ пардаларнинг оқариши ва жигар соҳасининг оғриқ сезиши, 25% ҳайвонда лордоз белгиларининг мавжудлигини кўрсатди. Бундай сигирларнинг модда алмашинуви даражасининг картограммаси қон намуналарида умумий кальций (меъёри 2,3-3,13 ммоль/л) ва  $T_4$  (меъёри 59-153нмоль/л) нинг меъёрида бўлиши,  $T_3$  нинг 0,25 нг/мл (меъёри 0,69-2,02) гача пасайиши, АСТ, АЛТ ферментлари фаолликларининг 2-2,5 бараварига ошиши, ишқорий фосфата за фаоллигининг бекарорлигини кўрсатди.

**Тадқиқот натиждалари.** Тадқиқотлар давомида хўжалиқдаги мавжуд 45 бош сигирдан 8 таси (18%) остеодистрофия билан касалланди. Касаллик уч босқичда намоён бўлди. Биринчи босқич (яширин босқич) бир неча ойлаб давом этди ва бу босқичда маҳсулдорликнинг кескин пасайиши ва лизуха белгилари кузатилди. Қондаги кальций ва фосфор миқдорлари деярли ўзгармади.

Касалликнинг иккинчи босқичи ҳафталаб, айрим сигирларда эса ойлаб давом этди. Бу босқичда инструментал пальпацияда суюкларнинг оғриқ сезиши, шунингдек, кесувчи тишларнинг кимирлаши,

охирги дум умуртқаларининг сўрилиши, жигар чега-расининг катталашиши ва унинг оғриқ сезиши кузатилди. Қондаги кальций ва фосфор миқдорларининг 20-25 % га пасайиши (меъёри мос равища 10-12 ва 4,5-6,0 мг%) қайд этилди.

Касалликнинг учинчи босқичи суюклар деформацияси (кифоз, лордоз, сколиоз, суюк синиши ҳолларининг кўпайиши, ҳайвоннинг бир жойда ётиб қолиши, қалтираш, суюкларнинг пальпацияда кучли оғриқ сезиши) белгилари кузатилди, касал сигирларда ётиб қолиш кузатилди ва 25% холатда (8 касалдан 2 тасида) летал оқибат билан тугади. Ёриб кўрилганда остеомаляция, остеофизроз, остеопоз, остеосклероз белгилари ва мўртлик, жигарда дистрофия, овқат ҳазм қилиш тизимида бозоар ва ёт жисмларнинг учраши қайд этилди.

Остеодистрофиянинг олдини олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида 2018 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида ҳар уч геоэкологик худуд (адекват: тупроғи шўрланмаган ва рационнинг кальцийга нисбатан таъминланиш даражаси 110-120%; экстремал: тупроғи 10-20% га шўрланган ва рационнинг кальцийга нисбатан таъминланиш даражаси 120-130%; кескин экстремал: тупроғи 20% дан юқори даражада шўрланган ва рационнинг кальцийга нисбатан таъминланиш даражаси 130% дан юқори) шароитидаги фермалардаги шартли соғлом сигирлардан 10 бошдан жами тўрттадан гуруҳ ташкил этилди.

Биринчи гуруҳдаги сигирларга хўжалик рационанига қўшимча равища 60 кун давомида кунига 50 г дан монокальцийфосфат берилди, иккинчи гуруҳдаги сигирларга хўжалик рационидан ташқари кунига 3 таблеткадан Кальций  $D_3$  берилди, учинчи гуруҳдаги сигирларга хўжалик рациони ва Кальций  $D_3$  дан ташқари ҳар 10 кунда бир мартадан жами 6 марта 1000 мл дан соғлом қорамол катта қорин суюқлиги ва 100 мл дан спиртли-ачитқили аралашма ичирилди. Сигирларнинг куз қиши мавсумида остеодистрофия билан касалланиши ва унинг оғирлик даражаси аниқланди ва натижалари таҳлил килинди.

Тажриба натижалари шуни кўрсатди, адекват шароитидаги сигирларда олти ой давомида касал сигирларнинг пайдо бўлиши биринчи гуруҳда 4 бош (40%), иккинчи, учинчи ва тўртинчи гуруҳларда 2 (20%) бошни, экстремал шароитидаги сигирларда бу кўрсаткич биринчи гуруҳда 5 бош (50%), иккинчи гуруҳда 4 (40%) бош, учинчи ва тўртинчи

гуруҳларда 3 (30%) бошданни, кескин-экстремал шароитдаги сигирларда эса биринчи гуруҳда 6 бош (60%), иккинчи гуруҳда 5 (50%) бош, учинчи ва тўртинчи гуруҳларда 4 (40%) бошданни ташкил этди. Демак, энг яхши профилактик самара адекват шароитда иккинчи гуруҳда, экстремал ва кескин-экстремал шароитларда тўртинчи гуруҳдаги варантларда кузатилди.

Демак, ушбу гурухли профилактик лойиҳани кўллаш сигирларнинг остеодистрофия билан касалланишини адекват шароитда 2, экстремал шароитда 1,2,5, кескин экстремал шароитда 1,5 марта га камайтириш имконини берди ва шу билан биргаликда, Кальций  $D_3$  ва соғлом қорамоллар катта қорин суюқлигини спиртли ачитқили аралашма билан биргаликда ишлатиш қолган барча вариантларга қараганда ижобий профилактик самарани намоён этиши тадқиқотларда аниқланди.

**Хуроса.** 1. Сигирларнинг остеодистрофия касаллигига баҳо беришда алиментар омилларни эътиборга олишдан ташқари тупроқ шўрланиш даражаси, ошқозонолди бўлимларида кальций ва фосфорнинг ўзлаштирилишнинг ҳолати, шунингдек, қалқонсимон ва қалқонолди безларида ишлаб чиқиладиган кальциотонин ҳамда парат гормонлари фаолиятини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Остеодистрофиянинг олдини олиш учун сигирларга куз-қиши мавсумининг бошида хўжалик рационига қўшимча равища 60 кун давомида кунига 3 таблеткадан Кальций  $D_3$  ҳар 10 кунда бир мартадан жами 6 марта 1000 мл дан соғлом қорамол катта қорин суюқлиги ва 100 мл дан спиртли-ачитқили аралашма ичиришга асосланган гуруҳли профилактик даволаш ўтказиш тавсия этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кондрахин И.П., Курилов Н.В., Малахов А.Г. и др. Клиническая лабораторная диагностика в ветеринарии - М. Агропромиздат, 1985.
2. Кондрахин И.П. Алиментарные и эндокринные болезни животных.-М.: Агропромиздат, 1989-С.140-177.
3. Кондрахин И., Левченко В. Диагностика и терапия внутренних болезней животных.-М.:Аквариум-Принт. 2015.-830.
4. Бакиров Б. Сигирларда оқсили-углевод-липид алмашинувининг бузилиши ва жигар дистрофияси. Фан доктори диссертацияси автореферати. Самарқанд. 2016. 69 Б.

## ИТЛАРДА УЧИНЧИ ҚОВОҚ КАСАЛЛИКЛАРИНИ КОНСЕРВАТИВ ВА ХИРУРГИК УСУЛЛАР БИЛАН ДАВОЛАШ

### Аннотация

В данной статье представлены результаты исследований по болезням третьего века у собак и их консервативное и хирургическое лечение.

**Казшт сўзлар:** учинчи қовоқ, фолликуляр конъюнктивит, учинчи қовоқ аденоомаси, учинчи қовоқни буралашиши, даволаши, операция.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Кўз касалликлари ва айниқса учинчи қовоқ касалликлари итлар орасида кенг тарқалган. Е.П. Копенкиннинг таъкидлашича, охириги 10 йилда клиникага келтирилган итлар орасида фолликуляр конъюнктивит 78 та итда, учинчи қовоқ аденоомаси 77 та итда, учинчи қовоқни қайтиб қолиши 22 та итда аниқланди. Кўз касалликлари, айниқса улар кўриш кобилиятини пасайиши ёки йўқолиши билан боғлиқ бўлса, ҳайвонларни маҳсулдорлигини кескин пасайишига, итларда ишлаш кобилиятини йўқолишига ва айрим ҳолларда, септик жараён ривожланishi натижасида ҳайвоннинг ўлимига ҳам олиб келиши мумкин (А.Ф. Русинов, 1987; Е.П. Копенкин, 2002, 2008; А.В. Лебедев ва бошқалар, 2004).

Олиб борилган текширишлар ва адабиёт маълумотларига кўра (Копенкин Е.П. 2002, 2008; Лебедев А.В., Черванев В.А., Троицкая Л.П., 2004; Ниманд Х.Г., Сутер П.Ф., 2008) учинчи қовоқ касалликлари га қуидагилар киради: фолликуляр конъюнктивит, учинчи қовоқ аденоомаси ва учинчи қовоқни ичкарига қайтиши. Фолликуляр конъюнктивит сурункали инфекционбўлмаган кўзниң шиллиқ пардасинияллиғланиши бўлиб, бунда лимфа фолликуляр шикастланади. Улар инфильтрация ва пролиферацияга учрайди. Касалликни специфик сабаблари аниқланмаган, лекин келтириб чиқарувчи механик ва кимёвий қитикловчилар мавжуд. Механик қитикловчиларга шикастланиш, бегона жисмлар, қовоқларни қайтиб қолиши кирса, кимёвий қитикловчиларга эса ҳаводаги аммиак, охак чанги, уль-

тра бинафша ва рентген нурлари, узок вақт дориларни кўллаш ва бошқалар киради. Касаллик патогенезининг асосида субэпителиал қаватда шиш ҳосил бўлиши ётади. Қитикловчилар конъюнктивада лейкоцитлар ва плазмоцитларни инфильтрациясини ва лимфа фолликуларда шиш ҳосил килади. Учинчи қовоқни ички тарафида гиперемия ривожланади, бириктирувчи тўқима шиши натижасида майд тугунчали бўртиқчалар ҳосил бўлади, аста-секин лимфафолликуларнинг сони ва ҳажми катталашади. Бунинг натижасида блефароспазм ривожланади, конъюнктивиа бўшлиғидан шилимшик-сероз суюқлик оқиб чиқади.

Учинчи қовоқ аденоомаси (Гардеев бези) – бу асосан декоратив ва овчи итларда учрайдиган кўз касалликларидан бири бўлиб, катарал ва фолликуляр конъюнктивит ҳолатида кечади. Касалликда томирлар реакцияси ва учинчи қовоқни гиперплазияси кузатилади. Аденоома ривожланганда учинчи қовоқда нўхатсимон шиш ҳосил бўлади ва кўзни ички бурчагидан ташқарига бўртиб чиқади.


Учинчи қовоқни қайтиб қолиши ит зотларидан доглар, немис овчаркаси, доберман-пинчер зотларида бошқа зотларга нисбатан кўпроқ учрайди. Унинг кебиб чиқишини асосий сабаблари учинчи қовоқ безини гиперсекрецияга олиб келтирувчи касалликлар бўлиб ҳисобланади. Бунинг таъсирида тоғай пластинаси тўқимасида модда алмашинуви жараёнини бузилиши натижасида деструктив ва дегенератив ўзгаришлар ҳосил бўлади. Бу жараённинг оқибатида тоғай синиб



1-расм. Учинчи қовоқ аденоомаси.



2-расм. Учинчи қовоқни маҳаллий оғриқсизлантириш.



3-расм. Учинчи қовоқда кесим ўтказиш.



4-расм. Учинчи қовоқни олиб ташлаш операцияси.



5-расм. Учинчи қовоққа чок күйиш.

ташқарига ёки ичкарига қайтади. Бунда күзни шиллик пардаси кизаради, шишади, фолликуллари гиперплазияга учрайди. Күзни ички бурчагида куюқ шилимшик-йирингли окимтири-яшил экссудат үйғилади.

**Тадқиқот объекті ва услублары.** Текширишлар Самарқанд ветеринария медицинаси институты Ветеринария жаррохлиги кафедрасында қарашлы хирургик клиникада олиб борилди. 2017-2018 йилларда 50 та текширилгандык итларнинг 11 тасида учинчи қовоқ касаллуклари аникланди. Тажрибалар учинчи қовоқ касаллуклари билан касалланган 11 та итда олиб борилди.

### 1-жадвал.

#### Учинчи қовоқ касаллуклари ва уларни даволаш усуллари

№	Учинчи қовоқ касаллуги	Итлар сони	%	Даволаш усулі
1	Фолликуляр конъюнктивит	3	6	консерватив
2	Учинчи қовоқ аденоомаси	5	10	хирургик
3	Учинчи қовоқни қайтиб қолиши	3	6	хирургик

Учинчи қовоқ касаллуклари билан касалланган итларга ташхис күйишда умумий ва маңсус текшириш усулларидан фойдаландык.

**Олингандык натижалар таҳлили:** Фолликуляр конъюнктивит билан касалланган 3 та итнинг учинчи қовоқни фолликуляр конъюнктивитини консерватив усул билан даволады.

Бунинг учун күздан оқиб чиқаётган шилимшик суюқликни 1:5000 нисбат фурациллин учинчи қовоқни ички тарафидағы лиммофолликуляр 0,1 % азот нитрати суюқлиги ёки ляпис қалами билан күйдирілді ва шу заходи 0,9 % натрий хлор эритмаси билан ювилади. Буны ҳар 3 кунда бажариш лозим, жами 3 марта. Шундан сүнг Софродекс күз томчысы кунига иккى маҳал 3-4 томчидан томизиб турилади. Бошланғыч даврида бу усул яхши натижка беради. Учинчи қовоқ аденоомаси ва учинчи қовоқни қайтиб қолиши билан касалланган итларни хирургик йўл билан даволаш олиб борилади.

**Фиксация ва оғриқсизлантириши.** Касал итлар Виноградов операция столига ёнбош ҳолатида фиксация килинади. Умумий оғриқсизлантириш мақсадида билак тери ости венасига 2,5 % аминазин ва 2 % ксиленит юборилди, шундан сүнг учинчи қовоқни асосиға

0,5 % новокаин эритмаси 2-3 мл түйинтириш усули билан юборилади. Бир неча дақиқа үтгандан кейин операция жараёни бошланади

Учинчи қовоқ аденоомасында кесим қовоқни юкори қисмінде амалға оширилади. Операция вақтида қон оқишини бирданиң түхтатиши мақсадида жароҳат четларига узлуксиз чок кетгут билан қўйилади. Аденоома учинчи қовоқни асосида жойлашади, кесим шу жойга етгандан кейин ташки тарафдан шиллик парда қовоқдан ажратиб олинади ва аденоома кўз қайчиси билан аста-секин ҳаракат килиб атрофдаги тўқималардан ажратиб олинади. Аденоома атрофидаги қон томирларга кетгут билан чок қўйилади. Аденоома тўлиқ ажратиб олиб ташлангандан кейин, учинчи қовоқни қолган қисми кесиб олиб ташланади ва жароҳати тўлиғича кетгут билан чокланади.

Бу операцияни бажаришда қон оқишини түхтатишига катта эътибор бериш лозим, чунки икиламчи қон оқиши вужудга келиши мумкин.

Учинчи қовоқни қайтиб қолишида, бу кўпгина холда тоғайни ўсиши билан боғлиқ бўлганлиги учун операция шу қисмини олиб ташлаш билан боғлиқ. Бунинг учун тоғайни қайтиб қолган қисмини тепага кўтариб пастидан қон тўхтатгич қўйилади ва қайчи билан олиб ташланади. Қон тўхтатгич олинади майдада қон оқиши Ляпис қалами билан кўйдирілди ва 0,9 % натрий хлор эритмаси ёрдамида ювилади. Катта қон томирларга кетгут билан чок қўйилади.

Операция ўтказилганидан кейин 7 кун давомида даволаш олиб борилади. Бунинг учун кўз атрофи 1:5000 фурацилин эритмаси билан артилади ва Софродекс, Левомицетин, Дексаметазон, Барс кўз томчиларидан фойдаланилади, 2-3 томчидан 2-3 маҳал томизиб турилади. Шундан сўнг 15-20 дақиқадан кейин гидрокортизон кўз малҳами ичкарига суртилади.

### Хулосалар

- Итларда учинчи қовоқ касаллуклари кенг тарқалган ва 6-10 % ни ташкил қилади.
- Учинчи қовоқни фолликуляр конъюнктивитнинг бошланғыч даврида даволаш консерватив усул билан олиб борилади.
- Учинчи қовоқни аденоомаси ва тоғайни қайтиб қолишида даволаш операция ўтказиш йўли билан олиб борилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

- Копенкин Е.П. Болезни глаз собак и кошек. Зоомед-вет, 2002, 4-1-2.
- Копенкин Е.П., Сотникова Л.Ф. Болезни глаз мелких домашних животных.-М.: КМК, 2008. 134 с.
- Лебедев А.В., Черванев В.А., Трояновская Л.П., Ветеринарная офтальмология.-М.: Колос.2004.200 с.
- Ниманд Х.Г., Сутер П.Ф. Болезни собак.-М.: Аквариум. Принт, 2008-182 с.
- Русинов А.Ф. Болезни глаз животных. Харьков, 1987. 125 с.

## ТЕХНОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДАН КУТИЛАЁТГАН САЛЬИЙ ОҚИБАТЛАР

### Аннотация:

В данной статье приводятся сведения об отрицательных последствиях возникающих от токсических отходов, при добывчье ископаемого промышленного сырья и его переработки, а также при использовании минеральных удобрений и пестицидов в сельском хозяйстве и ветеринарии.

**Казим сўзлар:** техноген, антропоген, экология, пестицид, канцерогенли, мутагенли, диоксидлар, олтингугурт, қўргозин, фтор, нейротоксик, гематотоксик, нефротоксик.

Ҳозирги кунда атроф-мухит экологиясини тозалигини саклаб қолиш муаммоси, жаҳон ҳамжамияти давлатлари олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳудудларда саноат хомашёларини қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш жараёнларининг кенгайиб бориши оқибатида кўп микдордаги заарли токсик чиқиндилар атмосферага чиқарилмоқда. Маълумотларга қараганда табиий ресурсларнинг фақатгина 10 фоизи фойдали маҳсулот сифатида ишлатилиб, қолган 90 фоизи чиқиндига чиқарилар экан. Буларнинг асосий таркиби газсимон, суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги захарли моддалардан иборат.

Бир қатор захарли моддалар озукалар таркибида тўпланиб, якунда эса бундай маҳсулотлар ҳайвонлар ва инсонлар истеъмоли учун ишлатилмоқда. Ҳозирда замонавий, ривожланган шаҳарларда яшайдиган одамлар, бир кун давомида озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳамда ичимлик суви ва тамаки тутуни орқали атмосферадан, меъеридан 40 марта юкори бўлган қўрғошин моддасини қабул қилиб олишар экан.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг берган маълумотларига қараганда, 2050-йилга келиб, ер юзи аҳолиси 9 млрд кишига етади. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини ечишда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳосилдорликни, чорвачиликда эса маҳсулдорликни ошириб бориши орқали эришиш мумкин. Бунинг учун минерал ўғитлар ва пестицидларни тўғри ишлатиш кераклиги талаб этади. Албатта бу ўз навбатида ер ва сув ҳавзаларини ушбу кимёвий моддалар билан ифлослашишига олиб келади.

Аҳолиси 2 млн дан ошиқ бўлган шаҳарлар атмосфера ҳавосини умумий заарланиши 100 кмли ҳудудни ўз ичига олиши аниқланган. Шаҳар ташқарисидаги ҳавога қараганда, шаҳар ичидаги ҳаво таркибида 150 мартадан зиёд чанг ва заарли моддалар сакланар экан. Шу боис шаҳарда яшовчи аҳоли орасида, ўпка раки касаллиги туфайли юзага келадиган ўлим, қишлоқда

### Summary

This article provides information about the negative consequences arising from toxic waste, extraction of fossil industrial raw materials and its processing, as well as the use of mineral fertilizers and pesticides in agriculture and veterinary medicine.

яшайдиган одамларга, караганда 4-5 марта юкори эканлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, бутун жаҳон соғлиқни саклаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, кузатилаётган барча рак касалларининг 70-90 фоизи, шаҳар атмосфера ҳавоси таркибидағи концероген таъсирга эга бўлган, турли кимёвий во-ситалар билан боғлиқ эканлигини таъкидлашмоқда. Кейинги 25 йил ичидаги рак касаллиги билан касалланиш даражаси 4 марта ошган.

Ҳар йили экин майдонларига 500 млн тонна ми-нерал ўғитлар ҳамда 5 млн тоннага яқин пестицидлар кўлланилмоқда. Солинган ўғитларнинг фақатгина 50 фоизи ўсимликлар томонидан қабул килинади ва ўзлаштириб олинади. Ўсимликлардан олинадиган ҳосилдорликни 30-35 фоизи бегона ўтлар ҳамда за-раркунандалар туфайли йўқотилади. Бунга қарши кўлланилаётган пестицидларнинг 90 фоизи самарасиз ишлатилиши оқибатида, улар тупрок, сув ҳамда атмосферани заарлайди.

Казиб олинаётган барча металларнинг 50 фоизга яқини ва кимёвий хомашёларнинг 30 фоизи, шунингдек иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилшидан ҳосил бўладиган иссиқликни 67 фоизи биосферага тушмоқда.

Кимё саноатида ишлаб чиқариладиган кимёвий би-рикмалар сони 500 мингдан ортиқ бўлиб, улар ораси-даги 40 мингга яқини, одам ва ҳайвонлар учун заарли ҳисобланади. Шундан 12 мингтага яқин кимёвий би-рикмаларида ирсиятга таъсир этувчи захарли моддала-ри мавжуд. Ҳар йили саноат корхоналаридан ажralиб чиқадиган қаттиқ чиқиндилар микдори 2 млрд тон-надан ошмоқда. Шу ҳисобда ҳар бир тонна кўмирни шахтадан қазиб олишда 20-24 тоннага яқин сув сарфланади. Натижада йил давомида кўмир шахталаридан ер юзасига, 2,5 млрд м<sup>3</sup> микдордаги заарланган ифлос сув насослар ёрдамида чиқарилади.

Европа мамлакатлари ҳудудларида дарёлар суви таркибидағи нитратларнинг микдор қўрсаткичлари бошқа суви тоза дарёларга нисбатан 45 марта юкори

эканлигини кўрсатмоқда. Дарёлар сувининг ифлосланиши нефть маҳсулотлари, феноллар, азот (аммоний ва нитратли), оғир металлар ва галогенли углеводородлар таъсиридан ҳам юзага келмоқда.

Орол денгизи сувининг куриши натижасида тузланиш даражаси 10 баробарга ошиб кетди. Натижада бу тупрокнинг эррозияга учрашини тезлаштириди. Ҳозирда 2 млрд гектарга яқин ер майдонлари эррозия туфайли йўқотилган.

Атмосферани заарли замонавий техноген омиллар билан умумий ифлосланиши 4 млрд тоннани ташкил килмоқда. Асосий ифлослантирувчилар аэрозол ва газларга 300-500 млн тоннаси эса заарли чанглар хисобига тўғри келмоқда. Атмосферага асосий антропоген чиқинди манбалари: иссиклик энергияси ва саноат ишлаб чиқарувчилар нефть ва газни қайта ишловчи корхоналари ҳамда транспорт воситалари ҳисобланади.

Барча юзага келаётган кимёвий заарланишлар асосан олтингутурт диоксиди таъсирида бўлиб, у барча турдаги ёқилиғиларни ёнишидан, пўлат ва мисни эритиб кўйишдан, рангли металлар ва сульфат кислота ишлаб чиқарилишидан хосил бўлади. Чунки барча турдаги ёқилиғилар ўз таркибида олтингутуртни саклайди. Мисол учун: кўумир таркибида 3-7 %, нефтда 1-2,5 %, табиий газда эса 0,05 % олтингутурт мавжуд. Бир қатор қазиб олинаётган ярим металл конларида 42-45 % гача олтингутурт борлиги аниқланган. 1 тонна тошкўмир ёқилиғисининг ёнишидан атмосферага 16-20 кг олтингутурт диоксиди, 20 кг ис гази, 10 кг азот оксидлари ҳамда 50-60 кгга яқин муаллак моддалар ажралиб чиқарилади. Аниқланишича олтингутурт ва азот оксидлари атмосферада 15 кунгача сакланар экан. Бу вақт мобайнида уларни шамол 1000 км масофагача учирив бориши мумкин. Бу ҳолатда бир давлат, иккинчи давлатни доимий равища ифлословчи жой бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Ҳозирги кунда атмосферани ифлосланишига автотранспорт воситаларидан чиқадиган ёқилиғи чиқиндилари ҳам сабаб бўлмоқда. Дунёда 1 млрд дона автомашиналар бўлиб, улардан чиқадиган газлари таркибида 500 га яқин органик, токсик бирикмалар мавжуд ва улар орасидан 40 тасида организмга канцерогенли ва мутагенли таъсир этиш хусусиятига эга моддалар мавжуд.

Оғир металлар ҳам атмосферани энг кўп ифлослантирадиган омиллардан биридир. Кадмий, рух ва мис моддалари, чиқиндиларни печларда ёқилишидан юзага келади. 1 млн квт иссилик энергияси ишлаб чиқариш кучига эга булган станция, кунига 1000 тоннага яқин кўмирни ёқиши туфайли атмосферага 1 кг симоб ва 0,1 кг маргумуш чиқиндисини чиқаради. Якунда эса бундай заарли моддаларнинг барчаси биосферада тўпланиб, кейинчалик улар озиқ - овқат маҳсулотлари, ичимлик суви ва ҳаво орқали одамлар ҳамда хайвонлар организмига тушади ва турли хил касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу моддаларда орга-

низм учун заарли булган нейротоксик, гематотоксик, гепатотоксик, нефратотоксик ҳамда нафас органларини жароҳатловчи таъсирлари мавжуд.

Тадқиқотлар республикамизнинг саноати ривожланган Навоий вилояти худудидаги мавжуд саноат корхоналаридан ажралиб чиқадиган чиқинди ва газлар миқдорининг юкори эканлигини кўрсатмоқда. Ҳусусан азот аммоний, азот нитрати ва нитрити, мис, аммиак ва ноорганик газлар шулар жумласидандир. Сувнинг минераллашув жараёни ҳам юкори даражада. Навоий шахри худудидаги саноат корхоналаридан ажраладиган ифлослантирувчи моддалар миқдори 17998 тоннадан иборат бўлса, автотранспорт воситаларидан чиқадиган газлар эса 18259 минг тоннани ташкил қилаётганлиги аниқланган.

Шу каби, Тожикистон алюмин заводидан, Сурхондарё вилояти чегара ҳудудига асосан фтор, водород фториди, олтингутурт ангидриди, азот оксидлари, углерод оксида ҳамда заарли чанглар кўп миқдорда келиб тушмоқда. Натижада ушбу ҳудуд аҳолиси ва чорва моллари орасида кўплаб касалликларни келиб чиқишига ҳамда маҳсулотлар сифатини бузилишига олиб келмоқда. Кўп миқдордаги турли хил саноат чиқиндиларини мавжуд эканлиги ҳамда кимёвий моддаларни меъридан ортиқ кўлланиши оқибатида, улар табиат ва унда яшовчилар организмida заарли ва ҳавфли таъсирларини намоён қилмоқда.

**Хулоса** ўрнида айтадиган бўлсак, саноат хом ашёларини қазиб олишни тартибга солиш орқали, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналаридан ажраладиган токсик чиқиндилар миқдорини камайтирувчи ва улар таъсирини бартараф этувчи замонавий тозалаш ускуналарини ўрнатиш, техноген омиллар таъсирини кутилган даражада бартараф этилишига олиб келиши мумкин. Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ва амалиётида кўлланилаётган минерал ўғитлар ва пестицидларни кўллашда улар меъенини назорат қилиш ҳамда ушбу кимёвий воситаларни ишлатиш бўйича кўрсатилган коидаларига қаттиқ риоя килишимиз, юзага келиши мумкин бўлган турли салбий ҳолатларни олди олинишига замин яратади.

### Фойдаланилган адабиётлар

- Гильдиева М. С. Мутагенная активность экотоксикантов, наследственный и спорадический канцерогенез и его коррекция. // Ташкент, 2010.
- Искандарова Ш.Т. Районирование территории Республики Узбекистан.// Мед. журнал Узбекистана. Ташкент, 2003. № – С 24-28.
- Онущенко Г.Г. Некоторые аспекты охраны здоровья и окружающей среды в разработке проекта экологической доктрины России.// Здравоохранение Российской Федерации. М-2002. N2-C3-8.
- Промышленные токсиканты. Интернет
- Хаитов В.Р., Салимов Ю. ва б. Кимёвий воситалар таъсиридан хайвонлар организмida юзага келадиган иммунитет этишмовчилкларни олдини олиши ва даволаш бўйича тавсиянома.// Самарқанд ; 2018.

УДК:633.88:619

Ф.Ш. Алланазаров, Ж.А.Холиков, мустақил тадқиқотчилар,

А.А.Холиков, доцент,

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

## ФИТОТЕРАПИЯ ВЕТЕРИНАРИЯ АМАЛИЁТИДА

### **Аннотация:**

В статье представлена информация о текущем применении лекарственных растений, в том числе эрмон и его фармакологические действие, географическое распределение, биология, а также значение в ветеринарной медицине.

**Калим сўзлар:** доривор ўсимликлар, Эрмон, аччиқ шувоқ, эфир мойи, абсинтин, анабсинтин, хамазулен, органик кислота, каротин, флавоноид, лактон, дамлама, настойка, экстракт.

Республикамида фармацевтика тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни фаол жалб этиш учун кулагай шарт-шароитлар яратиш, доривор ўсимликлар хом ашёсини этиштиришнинг ноёб шароитларини инобатга олган ҳолда маҳаллий доривор воситалар бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли дори воситалари билан тўлдириш, уларни чукур қайта ишлаш ҳамда юқори сифатли қўшилган қийматли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш асосида янги иш ўринларини яратиш ва республикамиз аҳолиси даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.05.2017 йил ПФ-5032Фармони ҳамда “Ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 июндағи №-564-сонли қарори эълон қилинди.

Ушбу Фармон ва қарордан рухланган ҳолда биз яъни Самарқанд ветеринария медицинаси институти олимлари Республикализнинг тўқайзорларида, ариқ бўйларида, ўйл ёқаларида, тоғ ва тепаликларнинг ён бағирларида ҳамда бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсадиган Эрмон (аччиқ шувоқ)нинг баъзи бир дори шакл(дамлама, настойка, куюқ ва суюқ экстрактлар ҳамда бреккетли таблетка)ларини ветеринария амалиётida кишлоқ хўжалик хайвонларининг баъзи бир қасалликларини даволаш ва олдини олиш мақсадларида қўллашни ўз олдимизга мақсад килиб қўйдик ва бу борада илмий изланишларни бошлаб юбордик.

Хозирги кунда дунёда қасалликларни даволашда қўлланилаётган дори воситаларининг 70 фоизини синтетик дори воситалари ташкил қиласди. Тахлилларга қараганда, синтетик усул билан олинган дори воситалари беморларда турли ноxуш асоратларга сабаб бўймокда.

Ўсимликлардан тайёрланган дори воситалар синтетик воситалардан фарқли ўлароқ тибиётда катта аҳамиятга эга. Бу ноёб дорилар нозик ва танлаб таъ-

### **Summary:**

The article provides information on the current use of medicinal plants, including ermon and its pharmacological action, geographical distribution, biology, and also value in veterinary medicine.

сир этиш хусусиятига эга бўлиб, улар қуидагиларда ифодаланади:

- дори воситасининг тегишли самарадорликка эга бўлган ҳолда безараrlиги (кам заҳарлилиги);
- уларнинг “майин” доимий таъсири; тез ва осон тайёрлаш имкониятлари мавжудлиги;
- алоҳида мураккаб технологик ускуналар талаб этилмаслиги;
- арzonлиги ва бошқалар.

Ер юзида доривор ўсимликларнинг 10-12 минг тури борлиги аникланган. 1000 дан ортиқ ўсимлик турининг кимёвий, фармакологик ва дориворлик хусусиятлари текширилган. Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг 700 дан ортиқ тури мавжуд. Шулардан табиий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган 120 га яқин ўсимлик турларидан илмий изланишларда ва ҳалқ табобатида фойдаланилади.

Хозирги вактда доривор ўсимликлардан кўпроқ, анор, аччиқмия, бодом, дўғбуй, доривор гулхайри, ёнғоқ, жағ-жағ, зутбурум, исириқ, итбурун, омонкора, писта дарахти, сачратқи, чойт, шилдирбош, ширинмия, шувоқ, янтоқ, ялпиз, кийиккўт, тограйхон, кизилча, қоқиёт ва бошқалар учрайди. Бундай ўсимликларнинг куритилган ўти, куртаги, илдизи, илдизпояси, туганаги, пиёзи, пўстлоғи, барги, гули, ғунчаси, меваси (уруғи), данаги, шарбати, киёми, тошчойи, эфир мойи ва бошқалардан дори-дармон тарзида фойдаланилади.


Доривор ўсимликларнинг таъсири этувчи моддалари алкалоидлар, турли гликозидлар, антрагликозидлар, юракка таъсири этувчи гликозидлар, сапонинлар, флавоноидлар, кумаринлар, ошловчи ва шиллик моддалар, эфир мойлари, витаминлар, бўёқ моддалар, ферментлар, фитонцидлар, крахмал, оксиллар, полисахаридлар, азотли моддалар, мой ҳамда мой кислоталари ва бошқа бирикмалардан иборат бўлади. Доривор моддалар баъзи ўсимликларнинг куртаги, барги ёки поясида, баъзи ўсимликларнинг гули ёки мевасида, баъзиларида илдизи ёки пўслогида тўпланади. Шу боис ўсимликларнинг, асосан, биологик фаол моддалари кўп бўлган қисми йиғиб олиниади. Ўсимликларнинг илдизи, илдизпояси, пиёзи ва туганаги, одатда, ўсимлик уйқуга кирган даврда – кеч кузда ёки ўсимлик уйғонмасдан олдин – эрта баҳорда тайёрланади. Ўсимликнинг мева ва уруғлари пишиб

естилганда йигилади, чунки улар бу пайтда дори моддаларига бой бўлади.

Ветеринария амалиётида биз ўрганишни мақсад килиб кўйган Эрмон ( аччиқ шувоқ ) Ўрта Осиёда кўп тарқалган шифобахш ўсимлик бўлиб, у асосан тўқайзорларда – ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, тоғ ва тепаликларнинг ён бағирларида ҳамда бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади. У Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида учрайди.

Аччиқ шувоқ, эрмон - полынь горъкая - *Artemisia absinthium L. Compositae* – Мураккаб гулдошлар оиласига мансуб.

Эрмон кўп йиллик, бўйи 50 -100 см гача етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, бир оз қиррали бўлиб, юқори қисми шохланган. Илдиз олди барглари узун бандли, учбурчак—юмалоқ, икки-уч марта патсимон ажралган. Ўрта қисмидагилари ҳам патсимон ажралган, юқоридагилари эса уч бўлакли бўлиб, пояди банди ёрдамида (юқоридагилари бандсиз) кетма-кет жойлашган. Эрмоннинг поя баргларида туклар кўп бўлгани учун ўсимлик қумуш рангда кўринади. Гуллари майда, сарик саватча рўваксимон гултўпламини хосил килади. Меваси—ўтқир учли, чўзинчоқ, кўнғир рангли писта. Май—июн ойларида гуллайди, меваси сентябрда пишади.



1-расм. *Artemisia absinthium*- Аччиқ шувоқ.

Ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллаганида фақат илдизолди барглари йигилади, тўлиқ гуллаганида эса поянинг учидан 25-30 см узунликда ўриб олинади ва соя ерда қуритилади.

Эрмон ўсимлигининг ер устки қисми таркибида эфир мойи, абсинтин ва анабсинтин аччиқ гликозидлари, хамазулен, органик кислоталар, витамин С ва К каротин, флавониодлар, лактонлар, ошловчи ва аччиқ моддалар бор.

Абу Али ибн Сино эрмон ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмани кўз яллиғланишига даво қилган ҳамда ўт, сийдик, гијжа ҳайдовчи ва аёлларда ҳайзни кучайтирувчи дори сифатида кўллаган. Булардан ташкари, ўсимлик ширасини истиско ва сарғаймани даволашда ҳамда иштаҳа очувчи дори сифатида ишлатган.

Эрмон ўсимлигини янчиб, унга атиргул ва хина мойларидан кўшиб, жигар ва қорин оғриғида оғриган ерга боғлаган.

Халқ табобатида эрмон ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси жигар, ўт пузфаги, ичак яраси, безгак, бавосил, овқат ҳазмининг бузилиши, ич кетиш касалликлари ҳамда яраларни даволашда, иштаҳа очувчи, гижжага қарши, ўт ва ел ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида ишлатилади. Эрмон ўсимлиги қайнатмаси билан зарпечак қайнатмаси аралашмаси тутқаноқ ва камқонлик касалликларига даво ҳисобланади.

Илмий тиббиётда эрмон ўсимлигининг доривор препаратлари (дамлама, настойка, экстракт) овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, иштаҳа очувчи дори сифатида ишлатилади.

Эрмон (аччиқ шувоқ)нинг баъзи бир дори шакл(дамлама, настойка, экстракт)ларини ветеринарияда қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг баъзи бир касалликларини даволаш ва олдини олиш мақсадларида кўллашдан олинган илмий ишланишларимиз натижаларини навбатдаги мақолаларимизда эълон қилиб борамиз.



2-расм. *Artemisia juncea* – Жусан шувоқ Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, бутун Осиёда ўсади

**Хулоса.** Ўзимизни маҳаллий доривор ўсимликлардан дори моддалар тайёрлаб, уни ветеринария амалиётида қўллашни йўлга кўйиш орқали ветеринария амалиётини арzon дори дармонлар ва республикамиз аҳолисини хавфсиз, экологик тоза чорва маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек қисман бўлсада озиқ- овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини яратиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. X.X.Холматов, З.Х.Хабибов, Н.З.Олимхўжаева. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари. Тошкент. “Ибн Сино” номидаги нашриёт, 1991 й.
2. X.X.Холматов, Ў.П.Пратов, М.Н.Махсудов. “Асоратсиз дори- дармонлар”. Тошкент, 2006 й.
3. Э.Негматов, У.Избасаров, Ш.Избасаров. “Шифобахш гиёҳлар билан даволаш” 2012 й.
4. <https://delicesucre.ru.uz/>.

(Давоми. Боши 4-сонда)

УДК. 619.618.177.085: 636. 22/28.

Қўлдошев О.У., Исаев М.Т., Очилов Ж.Н.,  
Ҳамроқулов Н.Ш., Салоҳиддинова Н.С.,  
Ветеринария илмий тадқиқот институти

## СИГИРЛАРНИНГ РЕПРОДУКТИВ ФАОЛИЯТИГА ВА ЖИНСИЙ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ПЛАЦЕНТИН ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАШ

Плацентин препарати тўқ бўғоз сигирларга туғишига 10-14 кун қолганда ва туқкан куни юборилган 1 чи гуруҳ сигирларда туқкандан кейинги касалликлар билан касалланиши 43,7 % ни назоратдагига нисбатдан 1,68 мартаға кам касалланиши аниқланган бўлса, иккинчи гурухга плацентин + тривит юборилган сигирларда туқкандан кейинги касалликлар билан касалланиш 61,5 % бу назоратдагига нисбаттан 1,28 мартаға камайганини кўрсатади.

Биринчи гуруҳда бўлган сигирларда оталаниши назоратдагига нисбатдан 27,9% га юқори бўлиб, оталаниш коэффиценти 10,0% камайганини кўрсатди. Бу ўз навбатида сигирларни қисир бўлиб юрган кунини 10,7 кунга қисқарганини кўрсатди. Иккинчи гуруҳда бўлган сигирларда оталаниш даражаси назоратда бўлган сигирларникидан 6,5 кунга қисқарганлигини кўрсатади. Тажрибадан шу маълум бўлдики плацентин препарати кам микдорда тривит билан биргалиқда қўлланилишини самараси пастлигини кўрсатди.

Патологик жараёнларни умумдаволаш усулаriga рағбатлантирувчи воситаларни қўшиб даволаш ишларини олиб борилиши натижасида организмни ҳимоя воситаларини ва мослашувчанлик реакциясини кучайтириб соғайиши жараёнини тезлаштириди.

Шунга асосланиб хужайра биостимулятори бўлган плацентин препаратини сигирлар эндометрит ва бачадон субинволюцияси касалликларидан

даволашда умумлаштирилган даволаш усулаriga қўшиб қўллаб самарасини ўргандик.

Ҳаммаси бўлиб тажрибаларда 81 бош ўткир ва сурункали бачадон субинволюцияси билан ва 18 бош туқкандан кейинги йирингли – катарал эндометритлар билан касалланган сигирларда олиб борилди.

Ўткир ва сурункали бачадон субинволюцияси билан касалланган сигирлар З гурухга ажратилди. Тажриба гуруҳида бўлган сигирларга патогенетик даволаш воситаси сифатида плацентин препаратини 3-4 марта, пенстреп антибиотигидан 20 кг/тв 1 мл мускул орасига юборилиб даволанди. Назоратда бўлган сигирларга 4 марта тери остига 7 % ли ихтиолнинг натрий хлориднинг 0,9% ли эритмасидан оширилган ва камайтирилган (20-25-30-35 мл) микдорларда юборилиб даволанди.

Тажриба ва назоратда бўлган ҳайвонларни клиник текширишлардан маълум бўлдики плацентин препарати 3 марта юборилган сигирларни 50% и даволангандан бўлса, плацентин 4 марта юборилган сигирларнинг 76,0% ихтиол билан даволангандан сигирларнинг 61,5% и даволангандан бўлса, иккинчи марта плацентин препарати 4 марта юборилиб даволангандан даволаш самараси 96,0% ни худди шундай назоратда бўлган сигирларда даволаш самараси 88,4% ни ташкил этди. Шундай қилиб хужайра препарати бўлган плацентин сигирлар кўпайиш органларига ижобий таъсир этиб, ҳар бир даволангандан сигирларни сервис даврини 14,7 кунга қисқартириди. (жадвал 3)

3-жадвал

*Сигирларда ўткир ва сурункали бачадон субинволюциясини даволашида плацентин препаратини самарасини ўрганиши натижаси*

Гурухлар	Препаратни қўллаш микдори	Сигирлар бош сони	Шундан согайганлари				Қисир бўлиб юрган кунлари	Оталаниш коэффиценти		
			1-даволаш		2-даволаш					
			Бош	%	Бош	%				
Тажриба гурухи	Плацентин препарати 4 марта кун ора юборилди	25	19	76,0	24	96,0	57,2+2,30	1,91		
Назорат гурухи	Ихтиолни 7 % эритмаси 4 марта кун ора юборилди	26	16	61,53	23	88,4	71,9+2,29	1,85		

*Сигирлар туққандан кейинги йирингли катарал эндометрит касаллигини даволашда плацентин препаратининг самараси*

Гурухлар	Кўлланган препаратлар миқдори	Тажрибада бўлган сигирлар сони	Шундан соғайганлари				Қисир бўлиб юрган кунлари	Оталаниш коэффициенти		
			1- чи даволашдан сўнг		2- чи даволашдан сўнг					
			Бош	%	Бош	%				
Тажриба гурухи	Плацентин препарати 4 марта кунора юборилди	10	7	70,0%	9	90,0	74,0±10,2	1,93		
Назорат гурухи	Ихтиолни 7 % эритмаси 4 марта кунора юборилди	9	5	55,5	7	77,7	85,7±11,9	1,88		

Плацентин препаратини даволовчи самарасини эндометрит билан касалланган 2-чи гурух сигирларда олиб борилди. Назоратда бўлган сигирларга 6 марта ҳар 48 соатдан сўнг тери остига натрий хлориднинг 0,9% ли эритмасида эритилган 7 % ли ихтиол препарати 25-30 мл дан ва бачадон ичига йодапен препаратидан микроорганизмларга қарши қўлланилди. Бундан ташқари даволанишнинг 1- чи ва 2- чи кунлари синэстролни 2 % ли ёғдаги эритмасидан 2 мл дан мускул орасига ва 2- чи, 5- чи кунлари тери остига 40 ТБ окситоцин ва пенстрап антибиотигидан 20 кг/тв 1 мл мускул орасига юборилиб даволанди.

Тажриба гуруҳида бўлган сигирларга ҳам худди шундай даволаш ишлари олиб борилди, фақатгина ихтиол препарати ўрнига организмни умумий фаоллаштирувчи патогенетик восита сифатида плацентин препарати 4 марта 1, 4, 7 ва 10 чи кунлари мускул орасига 20 мл дан юборилиб даволанди.

Аниқландикчи, биринчи даволашда хужайра препарати бўлган плацентин қўлланилган гуруҳдаги сигирларнинг 70,0 %, ихтиол билан даволанган сигирларнинг 55,5 % соғайган, тажриба гуруҳидан 14,5 % кам соғайганилиги аниқланди.

Иккинчи марта даволашдан сўнг препаратларнинг самарадорлигига плацентинда 90,0% ни ва ихтиолда 77,7 % ни ташкил этди.

Жинсий органлари касал сигирларга биостимулятор препарати бўлган плацентинни қўллаш натижасида, уларнинг куйга келишини тезлаштириш билан бирга қисир бўлиб юришини ўртача 7-8 кунга қисқарганлигини кузатдик.

**Хулоса.** Плацентин препарати сигирлар организмида гормонлар фаолиятини кучайтириб, жинсий касалликларни олдини олиш ва даволашда юкори самарали препарат ҳисобланади.

Плацентин препарати тривит билан қўшиб юборилганда ўзининг таъсир кучини пасайтиради. Плацентин препаратини ўзини қўлланилганда жинсий аъзоларни физиологик ҳолатини кучайтирадиган гормон ва ферментлар ишлаб чиқиши кучайтириб сигирларни куйга келишини тезлаштиради ва сигирларни маҳсулдорлигини ҳам оширади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Ата-курбанов Ш.Б., Эшбуриев Б.М., Ҳайвонлар кўпайиш биотехникаси. Самарқанд 2014 й.
- Муртазин Б.Ф. Қўлдошев О.У Симптоматик пуштизлик. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали Тошкент 2007 й. 18 б.
- Муртазин Б.Ф. Бактериальные аспекты акушерско-гинекологической патологии коров Афтореферат доктора наук. Самарқанд 2009. й.
- Михайлов Н.Н., Муртазин Б.Ф. Лечение послеродовых эндометритов у коров. Ж.Ветеринария. №12.1971 г.
- Лободин К.А. Плацента активное начало – препарат для коррекции воспроизводительной функции коров. Ж.Ветеринария. 2006 №7. с. 38-42.
- Лободин К.А., Нежданов А.Г. Бузлама В.С. Лигфол для коррекции воспроизводительной функции коров. Ж.Ветеринария 2006 № 3. с 39-43.
- Мамаев А.В. Препараты для стимуляции репродуктивной функции у коров и свиней. Ж.Ветеринария 2005 № 6. с 39-40.
- Студенцов А.Л и др Акушерство, гинекология и биотехника размножения животных. М: Колос. 2005 й.
- Қўлдошев О.У, Мавланов С.И. Сигирлар акушер-гинекологик касалликларни даволаш. Зооветеринария № 10. с. 33-34. 2012 й
- Қўлдошев О.У. Бабаев Т.М. Муртазин Б.Ф. Сигирлар эндометрит касаллигини даволаш. Тўртинчи Республика конференцияси. 20-21.11.2008 й.

УЎК.619.616.

**Н. Ю.Салимова,**  
*Самарқанд ветеринария медицинаси  
 институти талабаси*

## САРИМСОҚ ПИЁЗ ХУСУСИЯТЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

### Аннотация:

В статье приводятся сведения о биологических со-ставляющих частей чеснока и их положительной влия-  
ние на организм.

**Калит сўзлар:** саримсоқ пиёз, қанд, оқсил, углевод, рак, инфекция, рецепт.

Саримсоқ пиёз- *Allium sativum* пиёздошлар ои-  
ласи, пиёзлар туркумига мансуб икки ва кўп йиллик  
үтсизмон ўсимликлар тури бўлиб, сабзавот экини  
ҳисобланади. Ватани – Марказий Осиё. Пиёзи қобиқ  
 билан ўралган, ичидаги 7-30 донагача пиёз бўлакчалари  
 мавжуд бўлади. У озиқ-овқатда, тиббиётда, ветерина-  
 рия ҳамда сабзавотларни консервалашда ишлатилади.  
 Саримсоқ пиёзни энг яхши кўрадиганлар италянлар ва  
 корейслар ҳисобланади. Уларнинг овқат рационларида  
 аҳоли бош сонига 8-12 та саримсоқ пиёз бўлакчалари,  
 кунлик истеъмолга тўғри келади.

Олимлар томонидан ўтказилган илмий изла-  
нишлардан аниқланишича, соғлом турмуш тарзини  
 ўтказиш давомида бир қатор махсулотларни озик-  
 оват сифатида кабул қилиш, сут ва простата без-  
 ларида ҳамда организмнинг бошқа органларида рак  
 тўқималари ривожланишини бартараф килинишига  
 сабаб булар экан.

Бундай махсулотлар ичидаги энг асосий таридан 5  
 тасини ажратиб кўрсатишмоқда. Ушбу махсулотлар  
 инсонларнинг ҳар кунлик озик-овқат рационидаги  
 бўлишини англиялик олимлар ҳам таъкидлаб ўтишган.

Ушбу рўйхатнинг биринчи қаторида саримсоқ  
 пиёз кайд этилган. Саримсоқ пиёз таркибида аллицин  
 аллилсульфидлар мавжуд бўлиб, улар онкоген заҳарли  
 моддаларга таъсир кўрсатиб, уни организмдан чиқиб  
 кетишини таъминлайди. Бундан ташқари таркибида  
 олтингугурт моддаси бўлиши, онкологик касаллик  
 чақиравчиларни оксидланишига олиб келади ва эркин  
 радикалларга қарши таъсир кўрсатади. Шунга ўхшаш  
 хусусият қизил пиёзда ҳам мавжуд. Рўйхатнинг ик-  
 кинчи қаторида помидор, сўнгра резавор мевалар,  
 тўртинчи қаторида замбуруғлар ва охирги бешинчи  
 қаторини эса петрушка кўкати эгаллаган.

Саримсоқ пиёз ўзига хос бўлган табиатда ўсуви  
 ўсимлик ҳисобланади. Ҳозирги кунгача унинг хусуси-  
 ятларини ўрганиш бўйича 15 мингдан кўпроқ тадқиқот  
 ва синовлар ўтказилган. Натижада инсонларни ўлимга  
 олиб келувчи учта асосий сабаблари билан, унинг  
 ўзаро алокадорлиги исботланган. Булар рак, юкумли  
 ва юрак-кон томир касаллариди.

### Summary

*In this article was given information on about pos-  
itive effect and property of garlic and their structures.*

Саримсоқ пиёз таркибида қанд ва оқсиллар кўп.  
 Шунингдек Ca, Mn, P, Se, витаминлардан C, B<sub>1</sub>, B<sub>6</sub> ка-  
 билар мавжуд. Саримсоқ пиёздаги кучли таъм ва  
 ҳиднинг мавжудлиги, таркибида кўп микдорда эфир  
 мойи ва фитонцидлар бор эканлигидандир. Саримсоқ  
 пиёз 149 ккал тўйимликка эга. Озуқавий қиймати :  
 оқсил – 6,5 г, ёғ-0,5 г, углеводлар – 29,9 г.

Унинг асосий таъсир этувчи воситаларидан бири  
 аллицин бўлиб, у кучли антиоксидант сифатида эркин  
 радикаллар фаолиятини ўраб олиб, тўсади. Саримсоқ  
 пиёз ёмон тўқима ва ўсмаларнинг ҳосил бўлишини  
 ҳамда уларнинг тарқалишини чегаралаб, тўхтатади.  
 Рак тўқималарини бўлиниши ва тарқалиш (метастаз)  
 жараёнларини содир бўлиши учун, уларга доимий озу-  
 ка керак бўлади. Саримсоқ пиёз таркибидаги аллицин  
 моддаси эса шишган тўқималарни оч қолишига олиб  
 келади. Натижада рак тўқималарининг тарқалиш  
 жараёни тўсиб қўйилади. Шу каби аллицинда кучли  
 бактерияларга қарши таъсири мавжуд бўлиб, у кўплаб  
 инфекцияларни бартараф этишга ёрдам беради.

Кварцетин ва олтингугурт бирикмалари ҳам са-  
 римсоқ пиёз таркибида мавжуд бўлиб, ушбу бирик-  
 малар ҳам аллициннинг организмдаги таъсир хусуси-  
 ятини кучайтиради. Америка олимларнинг фикрича,  
 саримсоқ пиёз таркибида, кварцетин моддасининг бу-  
 лиши организмдаги йўғон ичак, ширдон тўқималари  
 ҳамда ошқозон ва сийдик пуфагида юзага келган  
 хавфли ўсмалар ўсишини тўхталишига сабаб бўлар  
 экан. Олтингугурт бирикмаларида гемато энцефали-  
 тит тўсиклиаридан ўта олиш хусусиятининг мавжуд-  
 лиги, бош мия раки билан ҳам қурашишда самарали  
 ҳисобланади. Кварцетин мезбрдан ортиқча холести-  
 ринни организмдан чиқариб юбориши билан, қон-  
 томирлар деворини мустаҳкамлайди. Саримсоқ пиёз  
 таркибида диаллилсульфид моддаси ҳам мавжуд. У  
 кучли касаллик чақиравчи микроблар таъсирини бар-  
 тараф этиш хусусиятига эга. Шундай хусусияти туфай-  
 ли уни ўпка, ичаклар ва тери раки касалларидаги са-  
 марали профилактик восита сифатида тавсия этилади.

Минерал модда селен ҳам саримсоқ пиёз тарки-  
 бида мавжуд. Мутахассислар фикрича, у ўсмаларга

кон келишини чегаралаб, тұсади ва шу билан уни ўсишини тұхтатади. Селен кимётерапевтик даволаш жараёнларида, организмни уларнинг салбий таъсиrlаридан химоялайды ҳамда ДНК хромосомалари жароҳатланишини олдини олади. Селенда кучли антиоксидантлик хусусияти ҳам мавжуд. У холестеринни оксидланишидан ҳамда уни қон томирлар деворига түпланиб қолишидан химоя қиласы. Селенни доимий равишда организмга қабул қилиниши, турли хил инфаркт ва инсультлар содир бўлишини қисқартиради.

Триптофан ҳам саримсоқ пиёз таркибида бўлиб, у организмда дастлаб серотонинни, сўнгра эса мелотатин ҳосил бўлишини юзага келтиради. Бу модда асосан эпифиз бези томонидан ишлаб чиқилади ва у эркин радикалларга қарши, кучли таъсир кўрсатувчи восита ҳисобланади.

Саримсоқ пиёзда 13 турдаги онкологик касалликларни олдини олиш ва даволаш хусусияти мавжуд экан. Булар қаторига: миелоидли лейкоз; лимфобластли лейкоз; лейкемия; ошқозон ости бези раки; йўғон ичак раки; сут бези раки; эндометрия раки; бачадон бўйни раки; жигар раки; ошқозон раки; остеосоркома; меланома; лимфома каби касалликлари киради.

Шу каби саримсоқпиёз қўйидаги юрак қон томир касалликларини олдини олиш ва даволашда самарали ҳисобланади: артериал қон босимини пасайтиради, қон ивишини бартараф этади, атеросклероз ҳосил бўлишига тўсқинлик қиласы, миокардда ёғ тўқималари миқдорини пасайтиради, юрак мускуларини мустаҳкам қиласы, қон томирларини кенгайтиради, қон оксидланишини секинлаشتитади ҳамда қон томирлар яллиғланишини бартараф қиласы.

Ҳозирги пайтда соҳа мутахассислари юкорида кўрсатиб ўтилган салбий ҳолатлар юз бермаслиги учун, кунига саримсоқ пиёзнинг 4-5 бўлагини истеъмол қилишни тавсия этишмоқда. Шунингдек, саримсоқ пиёз 14 турдаги инфекцияларни бартараф этишда самарали ҳисобланади:

1. Тилла рангли стафилакокк
2. “В” гурухига мансуб стрептококк
3. Туберкулёз микобактерияси
4. Кўк йирингли таёқча
5. Клебсиеллар инфекцияси
6. Цитомегаловирус инфекцияси
7. ОИТС( ортирилган иммун танқислиги синдроми)
8. Хеликобактер пилори
9. Афлатоксикоз
10. Афтали стоматит
11. Кандидоз
12. Клостридин
13. Вабо
14. Вирусли инфекция

Ҳозирги пайтда саримсоқ пиёзда 167 га яқин қасалликларни даволаш хусусияти мавжуд эканлиги аникланган. У шунингдек кучли яллиғланишларга қарши таъсир кўрсатувчи восита сифатида ҳам қуйидаги ҳолатларда тавсия этилади. Хусусан: тери инфекциялари (замбуруғли касаллик)ни даволайди; қонни суйилтиради; таркибида витамин В<sub>6</sub> нинг мавжудлиги, иммун тизимини мустаҳкамлайди; юрак ва томирларни, миокард инфарктидан ҳамда атеросклероздан химоя қиласы; холистерин миқдорини пасайтиради; қон босимини туширади; аллергия, тошмалар ва ҳашаротлар чакқандаги кичишиларни бартараф этади; нафас йўллари касалликларига даво бўлади; диабетда ёрдам беради; оёқдаги қадокни ва суялни йўқ қиласы; саратон касаллигининг олди олинади; тиш оғригини қолдиради; оздирувчи хусусияти мавжуд; артритда, бўғимлардаги оғрикини қолдиради; она корнидаги бола вазнини оширади; таркибида йод моддаси бўлганлиги учун, қалконсимон безга фойдали таъсир кўрсатади; замбуруғга қарши (жинсий йўллардаги) таъсири мавжуд.

Халқ табобатида, рак касаллигига қарши, қуйидаги рецептлар тавсия этилмоқда.

**1-репепт:** саримсоқ пиёз ва асал, онкологик касалликларга қарши

-200 гр саримсоқ пиёз шарбатини, 0,5 кг асал билан аралаштирилади ва уни оловга қўйилади, аралашмани сувли ҳаммомда, 40 дақиқа мобайнода қайнатилади. Шундан сўнг юзидағи кўпиклар олинниб, тиндирилади ва истеъмол қилинади. Бундай асалли қайнатмани, ҳар куни 1 ош қошиқдан, 3 маҳал қабул қилиш тавсия этилади. Аралашмани қоронғида сақлаш лозим.

**2-репепт:** Рак касаллигига қарши саримсоқ пиёз настойкаси

-100 гр миқдордаги саримсоқ пиёз шарбатига, 1 л оқ вино қўйилади. Аралашмани 2 ҳафта мобайнода тиндирилади ва вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Сўнг настойкага 2 бош саримсоқ пиёз кесилиб солинади ва яна 10 кун давомида сақланади. Шундан сўнг настойка сузуб олинниб, бир кунда 50 гр дан, 2 марта ичилади. Уни овқатдан кейин қабул қилиш лозим.

**3-репепт:** Ўпка ва оғиз бўшлиғи ракига қарши, саримсоқ пиёз ва шафтоли мойи аралашмаси:

-1 кг саримсоқ пиёз олинниб, майдаланади ва идишда 30 дақиқа сақланади ва бу саримсоқ пиёз шарбатини ажралишига олиб келади. Сўнгра аралашманинг пастки қуюқ қисмидан, 0,5 кг ажратиб олинниб, унга 1 литр шафтоли мойи қўшилади. Шундан кейин идиш ёпилиб, аралашма 2 ҳафта мобайнода тиндирилади ва вақти-вақти билан аралаштириб турилади. Аралашма бир неча қаватли марли сузгичидан ўтказилиб, истеъмолгага берилади. Бундай мойли аралашмани оғизда 10-

15 дақыға мобайнида сүриш лозим бўлади, маҳсулотни ютиш тавсия этилмайди. Мой оғизда сўрилгандан кейин, колган кисми тупуриб ташланади ва оғиз сув билан чайқалади.

**4-рецепт:** сут бези ракига карши, саримсоқ пиёзни спиртли настойкаси.

-0,5 литр 60% ли спирт эритмасига, 2 ош қошиқ микдорида саримсоқ пиёзни майдаланганди холда солинади. Яна у аралашмага 1 чой қошиқ микдорда чой ўт, бўйимодарон гули, дўлана ва тирнокгуллар қўшилади. Арапашма 2 ҳафта мобайнида тиндириллади ва сўнгра сизиб олинади. Бундай настойкадан 2 ош қошиқдан олинниб, бир стакан сувга арапаштириллади ва уни кун давомида, кам-камдан ичилади.

**5- рецепт:** ракка қарши саримсоқ пиёз билан лимонни биргаликда қўллаш

-бундай арапашмани тайёрлашда саримсоқ пиёз, лимон, сабзи, лавлаги, шарбатлари(киёмлари) тенг микдорларда олинниб, унга асал ва “Кагор” виноси қўшилади. Арапаштириб уни шиша банкада, музлатгичда сақланади. Овқатдан кейин 1 ош қошиқдан кунинга 3 марта ичилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. X. X. Холматов , У. А. Ахмедов. “Фармакогномия”, дарслик. Фан нашриёти, Тошкент, 2007.
2. Э. Негматов, У. Избосаров, Ш. Избосаров. “Шифобахш гиёҳлар билан даволаш ”. Монография , Самарқанд, 2012.
3. Интернет маълумотлари.

Д.С. Вахидова,  
ТашГАУ

## СОМАТИЧЕСКИЕ КЛЕТКИ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА КАЧЕСТВО МОЛОКА

Молоко и молочные продукты являются основными компонентами питания, а для некоторых групп населения они являются единственным полноценным источником необходимых для организма питательных веществ. В потребительской корзине их доля составляет 16%. На сегодняшний день на каждого среднестатистического жителя нашей страны приходится примерно 130 кг этой продукции ежегодно.

В настоящее время из числа молочных продуктов на первом месте стоит питьевое молоко, на втором - кисломолочные продукты, на третьем – сыры, на четвертом – сливочное масло.

Усвоемость молочных белков в желудочно – кишечном тракте составляет более 90%. Молоко является источником кальция, витаминов А и В, жиров. В молоке содержатся незаменимые аминокислоты : метионин, лизин, триптофан. Молоко, как продукт питания, должно соответствовать санитарно-гигиеническим требованиям, а молоко, предназначенное для переработки на молочные продукты, должно соответствовать санитарно – гигиеническим определенным технологическим требованиям.

Производители молока контролируют показатель чистоты, кислотности, плотности, бактериальной, жирности молока. К сожалению, эти усилия не достаточны, так как наличие в молоке превышенного допустимого уровня соматических клеток приводит к снижению качества молока, а этому показателю уделяется недостаточное внимание.

Соматические клетки, по существу представляют собой клетки тела животного. Это клетки цилиндрического, плоского и кубического эпителия молочной

железы, лейкоциты, эритроциты. В молоке даже от здоровой коровы всегда содержатся соматические клетки, отторгшиеся из секреторной части вымени колеблется между 10000 и 100000 в 1 мл. Оно зависит от индивидуальных особенностей животного и физиологического состояния. При воспалительном процессе в молочной железе ( мастите) происходит усиленная миграция лейкоцитов в очаг воспаления и увеличивается их количество, а следовательно и общее число соматических клеток в молоке.. С увеличением уровня содержания соматических клеток в молоке наблюдается и рост заболеваемости животных маститом.

При количестве соматических клеток выше 500 тыс. /см<sup>3</sup> качество молока из-за пониженного содержания в нем казеина, молочного сахара, кальция, магния и фосфора является недостаточным для получения высококачественных молочных продуктов после его переработки. Таким образом , количество соматических клеток в 1 см<sup>3</sup> является одним из основных показателей качества молока.

Высокое содержание соматических клеток снижает термоустойчивость молока. Это отражается на технологическом процессе получения и качестве сгущенного и пастеризованного молока.

В молоке с высоким количеством соматических клеток замедляется сырчужное свертывание, количество образующегося сгустка понижается 2 -3 раза, отмечается его низкая влагоудерживающая способность. Вышеперечисленные обстоятельства приводят к большим убыткам, отрицательно сказываются на плодотворном развитии молочного скотоводства.

Соматические клетки влияют не только на качество молока, но и на продуктивность коров (Табл.1)

Если внимательно посмотреть на существующие в мире ограничения допустимого уровня соматических клеток (табл.2), становится ясно, что мы еще далеки от стран с высоким уровнем развития молочного скотоводства.

Некоторые специалисты сельскохозяйственных предприятий ищут пути легкого и быстрого «избавления» от соматических клеток, используя очистители молока . Однако, очистители очищают от механических загрязнений. Соматические же клетки не относятся к источникам механического загрязнения. Опасность для молока представляют не они , а болезни ( в том числе и мастит), приводящие к ухудшению его качества. В последнее время широко рекламируются фильтры для очистки молока, в том числе соматических клеток .

**Таблица 1.**

*Связь между количеством клеток в сборном молоке и заболеваемостью коров маститом в стаде (Данные по Португалии)*

Количество соматических клеток, тыс./см <sup>3</sup>	Здоровье вымени по стаду	Потери молока
Менее 200	Очень хорошее	0
200-300	Хорошее	2
300-400	Удовлетворительное ( у 20% коров больное вымя)	5
500-700	Здоровье вымени нарушено ( у 40% коров больное вымя)	Более 5
Свыше 700	Массовое нарушение здоровья	Более 12

Соматические клетки «передаются по наследству»,то есть их присутствие в молоке может обуславливаться наследственной предрасположенностью ( порода, семейство, линия быка). В ряде стран ( Италия, Португалия , Эстония и др.) проводится оценка племенной ценности коров по содержанию соматических клеток , что является важным условием селекционного улучшения стада для повышения устойчивости вымени к заболеванию.. Очевидно и нашим селекционерам следует обратить внимание на положительный опыт западноевропейских стран по созданию генетическими методами стад с низким уровнем соматических клеток в молоке.

Существует тесная взаимосвязь между маститами и содержанием в молоке соматических клеток . и их увеличение указывает на скрытый – субклинический мастит.На первых и последних неделях лактации, а также на последних неделях стельности у животных отмечается подверженность к заболеваниям вымени.

Переработчики и производители молока во всем мире несут огромные убытки от мастита , который остается самым « дорогостоящим » заболеванием в молочном скотоводстве. Экономические потери из-за проблем со здоровьем вымени связан с субклиническими маститами. Основной причиной убытков является недополучение молока из-за поражения маститами четвертей вымени. Кроме того, увеличиваются расходы на ремонт стада по причине преждевременного выбытия больных коров, а также затрат на их доение , обслуги вание и лечение. В США в результате на один случай заболевания субклиническим маститом потери составляют более 100 долларов.

#### **Содержание соматических клеток зависит ещё от следующих факторов :**

1. Ошибки при досении. Недостаточная гигиена вымени, несовершенное оборудование, неправильное надевание и несвоевременное отключение доильных аппаратов, слишком продолжительный период доения и отсутствие контроля за выдаиванием способствует возникновению заболеваний вымени.
2. Недостаточная гигиена. Общая антисанитария в коровнике, недостаточный санитарный уход за вымением, доильным оборудованием , отсутствие дезинфекции способствует увеличению бактериальной обсемененности и, как следствие , риска инфицирования.
3. Ошибки кормления Недостаточное обеспечение энергией , дефицит сырой клетчатки с последующим возникновением кетоза и ацидоза, недостаток витаминов, микроэлементов, селена, снижают сопротивляемость организма инфекциям.

Известно. что более частые дойки способствуют увеличению количества молока у высокопродуктивных коров, улучшают их здоровье и самочувствие., уменьшается вероятность инфицирования вымени, а уровень соматических клеток в молоке уменьшается, благодаря более частому вымыванию бактерий из молочной железы.

#### **Литература**

1. Смирнов А.А. Гигиенические основы качества безопасности молочной продукции в современных условиях производства СПБ Москва 2008
2. Трухачев В.И. Технологические аспекты оптимизации и совершенства производства молока, говядины и продукции овцеводства в условиях юга России Агрожурнал Московского агрогинженерного факультета.№3 2005.
3. Сычева О.В. Научно- практическое обоснование основных факторов, формирующих качество молока – сырья в современном производстве Автореф. Докт. Сельхоз наук Ставрополь 2008.

Эльмурод Артиков:

## ЎЗБЕКИСТОН НАСЛЛИ ҚҮЁН ЕТИШТИРУВЧИЛАР АССОЦИАЦИЯСИГА АЪЗО БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

*Хабарингиз бор, 2018 йил 12 декабрь куни Ўзбекистон наслли қүён етиштирувчилар ассоциацияси давлат рўйхатидан ўтказилди ва ўз фаолиятини бошлиди.*

*Сиз қүёнчилик соҳасига қизиқасизми? Наслли қүён етиштириши бўйича профессионал кўнокмаларга эга бўлмоқчимисиз?*

*Марҳамат Ассоциацияга аъзо бўлинг ва ўз бизнесингизни бошлиши учун илк қадамни ташланг!*

*Ассоциацияга аъзолик Сизга нима беради?*



Ассоциацияга аъзолик Сизга қўйидагиларни кафолатлади:

- Ўзбекистон ва халқаро миқёсда қўён етиштирувчиларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ва суддан ташқари ҳимоя қилиш;

- аъзолар томонидан наслли қўён етиштириши, уни даволаш ва профессионал парваришлаш билан боғлиқ барча саволларга бепул жавоблар бериш, онлайн консультациялар ўтказиш;

- аъзолари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички ва халқаро бозорларда сотилиши юзасидан маслаҳатлар бериш ва қонунда белгилangan тартибда маҳсулотлар экспортини амалга оширишга кўмаклашиш;

- аъзоларига ҳар томонлама наслли қўён етиштириши ва ушбу соҳадаги бизнесини яратиш бўйича ҳуқуқий ва аҳборот хизматлари кўрсатиш;

- Республика ва халқаро кўргазмаларга бепул таклифномалар бериш ва унда аъзоларнинг ўз маҳсулотлари билан иштирок этишига кўмаклашиш;

- аъзолар томонидан ишлаб чиқарилган қўёнчилик соҳасидаги маҳсулотларни оммавий аҳборот воситалари орқали тарқатилишига кўмаклашиш;

- ҳар йили қўёнчилик соҳасидаги халқаро илғор усулларни жорий қилиш бўйича аъзоларга халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда бепул семинар-тренинглар ташкил қилиш;

- хорижий давлатлардан наслли қўёнларни белгилangan тартибда Ўзбекистон худудига олиб кирилиши ва ассоциация аъзолари орасида тарқатилишига кўмаклашиш;

- наслли қўёнларни профессионал етиштириш ва уларга ветеринар кўмак кўрсатиш услубий кўлланмалар тайёрлаш ва аъзоларга бепул тарқатиш;

- ўз аъзоларига тегишили бўлган наслли қўёнларга клеймо рақамларини бепул тарқатиш ва ихтиёрий тамғалашини ўтказишни ташкиллаштриш;

- қўёнчилик фермалари асосида ўқитишни ўтказиш учун белгилangan тартибда ўкув марказини тузиш ва аъзоларни бепул ўқитиш;

- халқаро миқёсда қўёнчилик соҳасидаги талаб ва таклифлар, маркетинг тадқиқотлари ҳақидаги маълумотларни бепул тарқатиш.

Бош мақсадимиз Ўзбекистонда профессионал қўёнчилик соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аъзолар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобат мухитини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Ассоциациянинг шиори: “Бирлашиб катта мараларга эришамиз!”

Ассоциацияга 18 ёшга тўлган миллати, ирқи, жинсидан қатъий назар Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар аъзо бўлиши мумкин ва барча аъзоларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тенг равища ҳимоя қилинади.

**Ассоциацияга аъзо бўлмоқчи бўлсангиз  
+998 99 898 13 15 рақамига ёки телеграм  
орқали [@nqyon](#) канали билан боғланинг ҳуқуқ ва  
янгиликлардан хабардор бўлинг!**